

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**Ахмедходжаев Азизбек Хамидович**

**ФРАНЦИЯ – ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСИЙ  
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**5220500 – ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР**

Илмий раҳбар: ўқит. Мустапова Х.И.

Илмий маслаҳатчи: с.ф.д. Саидолимов С.Т

**Тошкент – 2011**

# МУНДАРИЖА

|                                                                                                   |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                 | <b>3</b>  |
| <b>1-БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТАШҚИ СИЁСАТНИ<br/>ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.....</b>   | <b>9</b>  |
| 1.1 Ташқи сиёсат тушунчаси ва шаклланишга доир назарий<br>ёndoшувлар.....                         | 9         |
| 1.2 Франция ташқи сиёсатининг устувор<br>йўналишлари.....                                         | 16        |
| 1.3. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг устувор<br>йўналишлари.....                                      | 22        |
| <b>2-БОБ. ФРАНЦИЯ –ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ<br/>ХОЗИРГИ ДАВРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>         | <b>32</b> |
| 2.1.Франция- Ҳиндистон муносабатларининг шаклланиш тадрижи...                                     | 32        |
| 2.2.Иқтисодий ва мудофаа соҳасида Франция ва Ҳиндистон ҳамкорлиги<br>асосий жиҳатлари.....        | 41        |
| 2.3.Франция–Ҳиндистон ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланиш<br>босқичлари ва истиқболлари..... | 45        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                | <b>49</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎЙХАТИ.....</b>                                                         | <b>53</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда дунёда тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши дунё давлатлари олдида турган долзарб масала бўлиб, давлатлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда минтақада, қўшни минтақада қолаверса, бутун дунёда сиёсий жараёнлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири, иқтисодий ривожланган саккизлик мамлакатлари таркибига кирувчи давлат, нуфузли халқаро ташкилот БМТ ХКнинг доимий аъзоси, европа минтақасида жойлашган мамлакатлар интеграцион ташкилоти ЕИнинг муҳим ташаббускорларидан бири, Франкофония, Ўрта Ер Денгизи Иттифоқи каби нуфузли ташкилотларнинг ташаббускори бўлган - V Республика ҳозирги Франция Республикаси жаҳонда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, геосиёсий ўзгаришлар, замонавий халқаро муносабатлар ва глобаллашиб бораётган халқаро низо ва можароларга нисбатан ўзининг ҳал қилувчи позицияларига эга бўлган мамлакат бўлиб, шунингдек у кўпгина етакчи мамлакатлардан фарқли ўлароқ, дунёнинг бир қутбли шаклланишига қатъий қарши ва АҚШнинг сиёсий ўйинлари таъсирида қолиб кетмайдиган ўз нуқтаи назарига эга бўлган мутлақо мустақил республикадир. “Франция нафақат ноёб маданият ва нафис санъат мамлакати, юксак маънавият, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йўғрилган адабиёт ва шеърият мамлакатигина эмас. Бизнинг наздимизда Франция жаҳонга илк бор эркинлик, тенглик, биродарлик сингари олий мақсадларни инъом этган замонавий демократия ватани ҳамдир” деб, таъкидлайди Президент И.А.Каримов<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Франция Президенти томонидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзланган нутқ, 1993 йил 27 октябрь. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.:Ўзбекистон,1996. –Б.71.

Франциянинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни, унинг ташқи сиёсати ва икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Жанубий Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кенг жамоатчиликни ўзига тортмоқда. Хусусан, Жанубий Осиё минтақасининг етакчи давлатларидан бири Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати, жаҳоннинг етакчи давлатлари билан муносабатлари сиёсий фанлар вакиллари ўзига жалб қилиб келмоқда.

Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар азал-азалдан яқин ва дўстона бўлиб келган. 1998-йилда икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликнинг ўрнатилиши билан доимий равишдаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг юқори даражадаги учрашувлари натижасида икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида сезиларли ўсишлар ва муҳофаа, атом энергетикаси ҳамда космос каби стратегик соҳаларни ўз ичига олган савдо алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Франция Халқаро Атом Энергетика Агентлиги ва атом етказиб берувчи давлатлар гуруҳи томонидан рад этилган атом энергетика соҳасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган биринчи давлат ҳисобланади. Бундан ташқари, у Ҳиндистонга жаҳон ҳамжамияти билан атом энергетикасидан тинчлик йўлида фойдаланиш юзасидан ҳамкорликни давом эттиришига кўмаклашиб келмоқда. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, муҳофаа, космосни тадбиқ этиш, фан, технология ва таълим каби муҳим соҳаларида кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Франция G-8нинг муҳим аъзоси ва дунёда иқтисодий жиҳатдан бешинчи ўринни эгаллайди. Унинг технологик томондан куч қудрати авиация, космос, озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш, транспорт, темир йўл ва қишлоқ хўжалигини ўрганиш каби соҳаларда Францияни етакчи давлатлардан бириги айлантирди. Франция Европа Иттифоқи давлатлари (Германия, Буюк Британия, Белгия, Недирландия) орасида Ҳиндистоннинг

савдо ҳамкорлари рўйхатида бешинчи ўринда туради. Ҳиндистон ва Франциянинг икки томонлама савдоси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аммо сўнг йилларда икки мамлакат ўртасида савдонинг пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2009 йилда икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 21 %га пасайди. 2008 йил савдо ҳажми 6,78 млрд Еврони, 2009 йилда эса бу кўрсаткич 5,36 млрд Еврони ташкил этди. 2010 йилнинг биринчи саккиз ойида икки давлат ўртасидаги савдо ўтган йилги худди шу даврга нисбатан 27 % атрофида ўсди ва 4,64 млрд Еврони ташкил этди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу илмий ишни ёзиш жараёнида давлатимиз раҳбари Президент И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг тамойиллари, минтақавий хавфсизлик масалалари атрофлича ёритиб берилган асарларга таянилган ҳолда бажарилди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, бакалаврлик ишини ўрганиш жараёнида ушбу мавзуга оид илмий тадқиқотларни қилган ва бир қанча илмий адабиётлар нашр қилган юртимиз олимларидан Г.И.Каримова, Т.Ғ.Ғиёсов, О.Шаматов, Р.Алимов, Ш.Акмалов, А.Қосимов, И.Васькин, Б.Т.Ғиёсов, Ш.Умиров, А.Туйчибоева, Н.У.Туляганова, Н.Ибрагимова каби тадқиқотчилар мазкур масала юзасидан қатор фикрлар билдириб ўтганлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. Каримов И. А Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.; Каримов И.А. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил!. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.- Т., Ўзбекистон, 1996.; Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т., Ўзбекистон.2005. Юсак маънавият енгилмас куч- Т.: Ўзбекистон, 2008.-176 б. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон,2010. Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2002.-169 б, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонуни. 15-китоб. Т., Адолат, 1997. 272- б, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти- Т.: Академия-2005. –Б. 46, Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар-Т.: Академия.2005.-Б 39

<sup>2</sup> Каримова Г.И. Проблемы безопасности Центральной и Южной Азии: состояния, тенденции конфликтности и перспективы развития. Автореф. Дисс....кан. полит. наук. – Т.: Узбекистан, 2001; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарк, 2005; Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. – Т.: Шарк, 2002. – 202 с.; Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон, 1994; Умиров Ш. Ўзбекистон – Ҳиндистон: азалий дўст ва ҳамкор мамлакатлар // 2006 йил, 19 апрел, <http://www.mfa.uz>; Туйчибоева А. Афғонистон – дунёнинг битмаётган жароҳати // Халқ сўзи. № 12 (2574), 2001 йил, 17 январ; Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2004. Ибрагимова Н.

Хорижлик олимлардан В.Я.Белокреницкий, А.З.Егорин, И.Н. Маскаленко, Ален Джон кабиларнинг қатор илмий асарлари ва мақолаларидан фойдаланганимизни эътироф этиш мумкин<sup>1</sup>.

Шу билан бирга Ҳиндистонлик қатор тадқиқотчилар—С.Сингх, Я.Синх, Н.Джоши, Дж. Диксит, С.Махалингам, П.Стобдан, К.Варику, Ч.Маниш, Р.Митралар илмий мақолалар чоп эттирганлар<sup>2</sup>.

Ишда минтакавий интеграцияни илмий—методологик жиҳатдан чуқур ўрганган россиялик тадқиқотчилар М.Максимов ва Ю.Шишков асарларидан кенг фойдаланилди<sup>3</sup>.

Ўз навбатида, Европа минтақасида кечаётган интеграцион жараёнларни назарий ва амалий томондан таҳлил қилишда бир мунча ютуққа эришган Француз тадқиқотчилардан Д.Карро, Ж.Кристеско, Ж.Дютел ва бошқаларнинг изланишлари ҳам диққатга сазавордир.

**Битирув малакавий ишнинг манбалари.** Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, бир қатор тадқиқотчиларнинг Франция ва Ҳиндистон ташки сиёсатини ва замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрнини таҳлил қилишга бағишланган ишлари, Франциялик ва Ҳиндистонлик олимларнинг мазкур мавзу бўйича яратилган илмий ишлари хизмат қилади.

Мазкур ишнинг илмий- назарий асосини Г.А. Хидоятлов, С.Мирқосимов, М. Раҳимова, Л. Саидова, Л. Абдуллаева, А.Файзуллаев, Г.М. Андреева, О.А. Баева, А.А Деревницкий, Э.А Кузьмин, Израэлян В.Л.,Э.Я.

Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Дис. на соискание уч. ст. канд. пол. наук Т.: 2004;

<sup>1</sup> Белокреницкий В.Я., Егорин А.З, “ Мусульманские страны у границ СНГ: Афганистан, Пакистан, Иран и Турция- состояние, история и перспективы”, ( М.: Ивран-Крафт, 2002,-301 с).

<sup>2</sup> Singh S. Focus of Foreign Policy // The Hindustan Times. 1996, August 13; Sinha Y. India and Central Asia in the Emerging Security. – New Delhi., 2003; Dixit J. Emerging International Security Environment: Indian Perceptions with Focus on South Asian and Central Asian Predicaments. – New Delhi., 2004; Mahalingam S. India-Central Asia Energy Cooperation. – New Delhi., 2003; Joshi N. Regional Economic Cooperation and Transport Links with Central Asia: An Indian Perspective. – New Delhi., 2003.; Warikoo K. Central Asia. Emerging New Order. New Delhi: Har – Anand Publications. Under the auspices of Himalayan Research and Cultural Foundation (India), 1995. -317 p.; Маниш Чанд. Центральная Азия, новый центр внимания нефтяной политики Индии // 07 апрел 2005й. <http://www.geo.kz/printing.php?aid=152>; Maitra R. Indian Military Shadow over Central Asia // Asia Times, 10 September 2002 [http:// www.atimes.com/atimes/South\\_Asia/DI10Df01.html](http://www.atimes.com/atimes/South_Asia/DI10Df01.html).

<sup>3</sup> Шишков Ю.В. Европейское сообщество: регулирование интеграционных процессов. М., Наука, 1989.-- Р.105. J. Dutheil. Introduction au droit de l'Union europeenne. 2-edition. Hachette, Paris, 1998. P- 8.Carreau D., Juillard P. Droit international economique. 4-ed. LGDJ, Paris 1998, P-26.2 Cristesco J. Cooperation en Europe du Sud-Est. Le courrier des pays de l'Est. Mensuel № 1039 octobre 2003. P-17-30.

Соловьев, Г.В. Хордин, Василенко И.А., Шеретов С.Г., Ольшанский Д.В., К.Селлих ва С.С. Джейн, Г. Киссинджер, П. Форсайт каби олимларнинг асарлари ва илмий мақолалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Франция–Ҳиндистон ташқи сиёсий муносабатларининг шаклланиши ва истиқболларини ўрганиш тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланган бўлса, ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб топилди:

- Франция ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, ҳамда Франция ташқи сиёсий манфаатларини ўрганиш;

- Ҳиндистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойилларини ёритиб бериш;

- Франция–Ҳиндистон сиёсий муносабатларининг сиёсий ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

- Франциянинг халқаро сиёсий майдонда тутган ўрнига баҳо бериш;

- Ҳозирги даврда ва Франция ва Ҳиндистон ҳамкорлигининг ўзаро манфаатдорлигини асослаш, илм-фан ва маданий алоқаларнинг ривожланишини ва истиқболларини илмий таҳлил этиб очиб беришдан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотнинг илмий янгилиги ишнинг қуйидаги жиҳатларида намоён булган:

- «ташқи сиёсат» тушунчаси борасида билдирилган назарий—илмий қарашлар қиёсий таҳлил қилинган;

- ташқи сиёсий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил ҳилишда қўлланиладиган назарий—амалий ёндашувлар ўрганилган;

- Сиёсий ва иқтисодий соҳада Франция ва Ҳиндистон ҳамкорлиги асосий жиҳатлари очиб берилган;

- Франция ва Ҳиндистон стратегик ҳамкорлиги тадрижий равишда ёритиб берилган;

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқотда Франция – Ҳиндистон ташқи сиёсий муносабатларининг шаклланиши ва истиқболлари ва жараёнларнинг

таҳлилига оид материаллардан, ташқи сиёсий жараёнларнинг таҳлили тўғрисида билдирилган илмий—амалий хулосалар бундай муаммолар билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Малакавий иш кириш, икки боб, олти параграф, хулоса қисмидан иборат 56 б ҳажмда бўлиб, унга 62 номдан иборат фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилинган.



# **1-БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТАШҚИ СИЁСАТНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1. Ташқи сиёсат тушунчаси ва шаклланишга доир назарий ёндашувлар**

Ҳозирги биз яшаётган даврнинг асосий хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидир. Бу муносабатлар эса жаҳон тараққиётини белгилаб бериб, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этиб, давлатлараро ҳамкорликнинг ривожига катта таъсир кўрсатади.

Маълумки, халқаро муносабатлар тарихи нуқтаи назаридан мана бир неча аср мобайнида ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлашга бўлган интилиш асосий мезон ва бош мақсад вазифасини ўтамоқда<sup>1</sup>.

Ташқи сиёсат—давлатнинг ва жамиятдаги бошқа институтларнинг халқаро даражада ўзининг кенг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳамда ўзаро манфаатлар уйғунлигини амалга ошириш бўйича фаолиятидир.

Ташқи сиёсат қандай шаклларда олиб борилади ва функционал омил тариқасида ташқи сиёсатнинг маълум даврлардан, ижобий, салбий жараёнлардан келиб чиқиши, шу давр билан ҳамнафас, ҳамжихат бўлишини тушуниб олишимиз керак.

Сиёсатни яхлит тарзда тўлиқ таҳлил қилиш уни ҳам миллий, ҳам халқаро даражада ўрганишни тақозо этади. Ички сиёсат унинг турли йўналишларини ва уларнинг давлат ичида амалга оширилишини таҳлил қилиш, миллий сиёсий жараённинг ривожланиши орқали ўрганилади. Халқаро муносабатлар тизими-икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги ўзаро фаолият, ташқи сиёсат эса—миллатнинг, бир давлатнинг ташқи хатти ҳаракатлари. Давлатнинг ташқи сиёсати ички омилларнинг ҳам, ташқи

---

<sup>1</sup> Политология. Маърузалар матни. – Т.:ДИТАФ, 2000. –Б.189.

омилларнинг ҳам таъсири остида шаклланади. Умуман олганда, ички ижтимоий ва халқаро муносабатлар ўртасида қалин ўзаро алоқа ва ўзаро муносабат мавжуд<sup>1</sup>.

Сиёсат жамиятнинг иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, диний-эътиқодий соҳалари қаторида ташкил этиш, назорат қилиш соҳасини англатади ва жамиятнинг яхлит тизимида асосий ўрин эгаллайди<sup>2</sup>. “Сиёсат” ибораси Аристотелнинг давлат, бошқариш ва ҳокимият ҳақидаги қарашлари баён этилганидан сўнг амалиётда кенг фойдаланишга киритилган эди. Кейинчалик “сиёсат” ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайган ва у тобора мураккаб, кўп қиррали тушунча сифатида ишлатила бошланди<sup>3</sup>.

Сиёсат жамиятнинг барча соҳаларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиб туради. Сиёсат иқтисодий ҳаётга ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишда сиёсий жиҳатдан тўғри ёндашмасдан туриб вазифаларни ижобий натижа билан амалга ошириб бўлмайди.

Шундай қилиб, таърифи ва талқинига кўра сиёсат жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий маънавий-ахлоқий, диний-эътиқодий соҳаларини қамраб олади ва жамиятнинг яхлит тизимида муҳим ўрин эгаллайди<sup>4</sup>.

Сиёсий ҳаёт деганда нимани тушуниш керак, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти кўп қиррали мураккаб жараён. Бу жараённинг боришида сиёсат ва сиёсий муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир давлат ижтимоий масалаларни ҳал этишда сиёсий фаолият кўрсатади ва уни сиёсий тизим доирасида амалга оширади.

Сиёсат, тузилиши жиҳатидан икки турга – ички ва ташқи сиёсатга бўлинади.

<sup>1</sup> Гофуров С.М., Хайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2006. – Б. 232.

<sup>2</sup> Ғойибназаров Э., Мухамедова З.Р. ва б. Сиёсатшунослик. Услубий қўлланма. – Т.: ТТЙМИ, 2008. – Б. 126.

<sup>3</sup> Ўша жойда – Б. 127.

<sup>4</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Таржима. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 380.

Ички сиёсат—бу давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан мамлакат ичкарасида амалга оширадиган фаолиятдир. У синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар томонидан эълон қилинган мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Ички сиёсат—иқтисодий, ижтимоий, маданий сиёсатларга ажралади. Иқтисодий сиёсат—хусусийлаштириш сиёсати, пул ва кредит сиёсати, молия сиёсати, аграр сиёсат кабиларга бўлинади.

Ташқи сиёсат—бу давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан халқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятидир<sup>1</sup>. Ташқи сиёсат сиёсий жараёнларнинг ўзига хос йўналиши на макони сифатида, ички сиёсатдан айрим муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради. Жумладан, мамлакат ичкарасида ҳокимият, давлат ҳокимиятининг шаклланиши, вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият принциплари, амалиёти. яъни сиёсий жараёнларга нисбатан ёндошуви, муносабати ва ниҳоят қабул қилган қарорлари ва уларнинг бажариш усуллари, ҳамда ҳатти-ҳаракати ва ҳуқуқ-атвори Конституция, турли-туман меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Бир сўз билан ифодаладиган бўлсак, умумхалқ, умумсиёсий консенсус ҳокимиятнинг ички жараёнларга нисбатан фаолиятини белгилаб беради. Мана шу консенсусдан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти қонун доирасида репрессив воситалардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Ташқи сиёсатда эса, ҳокимият билан боғлиқ жараёнлар ривожининг ўзига хос жиҳат касб этиши, авваламбор, унинг дунё аҳли аксарият қисмининг хоҳиш-иродасини ифодалашга бўлган ҳуқуқ ва ваколатга эга эмаслиги, жаҳон ҳамжамияги унинг заминини ташкил этиб турадиган турли-туман муносабатлар, ўз навбатида, ҳокимиятнинг ҳам бошқача меъёрларига таяниб иш юритиши ва йўналиш касб этишини келтириб чиқаради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Таржима. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 380.

<sup>2</sup> Политология. Маърузалар матни. – Т.:ДИТАФ, 2000. –Б.172.

Ташқи сиёсат – умумий ёки бирор-бир мамлакатга нисбатан бўлган сиёсат шаклида намоён бўлади. Сиёсат ўзининг моҳият ва хусусиятларига кўра ҳам икки турга – адолатли ёки тараққийпарвар ҳамда адолатсиз ёки реакцион сиёсатга бўлинади <sup>1</sup>.

Ташқи сиёсат орқали давлат геогафик-маконий жиҳат касб этиш билан бирга, ўзини ноёб тарихий, социомаданий, цивилизацион ва нихоят, геосиёсий яхлитлик сифатида номоён қилади <sup>2</sup>.

Эътиборимизни тортган яна бир ташқи сиёсат тушунчасига таъриф қўйидагича. «Ташқи сиёсат деганда, сиёсатнинг давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи тури тушунилади <sup>3</sup>. Ташқи сиёсий мақсадлар миллий манфаатларни акс эттиради. Уларни рўёбга чиқарар экан, давлат ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширади. Давлатнинг ташқи сиёсати ҳам ташқи ҳам ички омиллар таъсирида шаклланади ва уларнинг мураккаб алоқаси ҳосиласи ҳисобланади <sup>4</sup>. Ташқи сиёсат масалаларнинг икки векторига эга, уларни шартли равишда «химоявий» «мудофаавий» ва «хужумкор» масалалар деб аташ мумкин <sup>5</sup>. «Химоявий» масалалар халқ ва давлат суверенитетини таъминлаш, миллий манфаатларни химоя қилиш, мудофаа ва шу каби мақсадлар кўриб чиқиладиганда яққол кўзга ташланади <sup>6</sup>.

«Хужумкор» тажовузкор деган маънода бўлмай, у давлатларнинг кучли рақобати шароитида геосиёсий тартибдаги бир қатор масалаларни ҳал қилиш ва муайян фойда олиш бўйича фаол ташаббускор ташқи сиёсат юритиш зарурати билан боғлиқ.

Ҳар ҳолда, ушбу масалалар миллий манфаатларни химоя қилиш ва илгари суриш бўйича давлатнинг ташқи сиёсий механизми куч-ҳаракатлари шаклида намоён бўлади ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жа-

<sup>1</sup> Ғойибназаров Э., Мухамедова З.Р ва б. Сиёсатшунослик услубий қўлланма. – Т.: ТТЙМИ, 2008. – Б. 129.

<sup>2</sup> Политология. Маърузалар матни. – Т.: ДИТАФ, 2000. – Б. 172.

<sup>3</sup> Ғофуров С.М, Хайдаров А.А, Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. . – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2006– Б. 232.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 233.

<sup>5</sup> Жўраев С. .Замонавий халқаро муносабатлар – Т.: Академия, 2007. – Б. 7.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б. 7.

раёнларида, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда, тегишли давлатлараро ташкилотлар тузиш ва бошқаларда акс этади.

Ташқи сиёсат давлатнинг фаолият соҳаси сифатида муайян мухторияти ва аниқ ифода этилган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунинг устига у ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир соҳасида аниқ вазифа, предмет ва услубга эга. Шунга мувофиқ, ушбу соҳаларнинг ўзига хос хусусияти давлатнинг ташқи сиёсати шаклига қайтадан қурилади. Масалан, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ташқи сиёсат қатор муҳим сиёсий, ҳарбий-техник, гуманитар масалаларни ечишни, ушбу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорликни таъминлашни мўлжаллайди. Давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ўзаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролли кучлар жанговар тайёргарлигини оширишга йўналтирилган ҳарбий соҳада биргаликда фаолият юритишни кўзда тутди. Давлат олдида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқа масалалар туради. Бу ерда чет эл инвестициясини жалб қилиш, коммуникацияни ривожлайтириш, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик каби масалалар асосий вазифа ҳисобланади.

Давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва асосий йўналишлари фақат миллатнинг иқтисодий, ҳарбий, ахборот ва демографик ресурсларини қамраб олган умумий салоҳият билан таққослагандагина айнан мос ва натижали бўлади.

Ташқи сиёсат мақсадга эришишнинг турли тамойиллари, услуб ва механизмларига таянади. Дипломатия ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизми ҳисобланади.

Шунингдек, яна бир жиҳат – бу ташқи сиёсатда миллий манфаатларни таъминлашга бўлган интилишдир. Миллий манфаатлар устуворлигининг халқаро ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши ана шундан келиб чиқиб, ташқи сиёсий фаолият олиб боришга, ўзаро келишув, кучга асосланган сиёсатга қарама-қарши халқаро сиёсатда барча иштирокчи давлатларнинг миллий манфаатлар тизимига устуворлик бериш тўғри йўл деб тушунишлари керак.

Ҳар бир маърифий давлат ўз эътиборини аввало ҳаёт-мамот манфаатлар гуруҳига қаратиши зарурлиги аллақачон исботланган. Уларни бошқа тоифага мансуб манфаатлардан аниқ ажрата билиш ва ҳар бирига алоҳида ўрин ажратиш, миллий манфаатлар йўналишларини белгилашда узоқ муддатли вазифаларни бугунги кун вазифалари билан чалкаштириш амалиёти ташқи сиёсат учун маъсул бўлган муассасалар, миллий хавфсизлик идоралари фаолиятини узоқ муддатга издан чиқариши мумкин.

Ташқи сиёсат давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлиги давлатлараро муносабатларда эътироф этилиши зарур.

Ташқи сиёсатда давлат суверенитетининг яхлит ва бўлинмаслигидан келиб чиққан ҳолда икки хил ёндошув мавжуд: идеалистик ва прагматик<sup>1</sup>.

Дипломатия тушунчаси давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бирини англатади. Ҳозирги дипломатия ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришувни, мамлакатдан ташқарида ўз давлат ва фуқароларининг манфаатларини таъминлайди, давлатларнинг музокаралар жараёнини, ахборот ҳамкорлигини ташкил қилади, давлат ва ҳукумат бошлиқлари, давлатнинг ташқи алоқа органлари ҳамда бевосита дипломатларнинг расмий фаолияти шаклида амалга ошади.

Дипломатия – ташқи сиёсат ва давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ташқи алоқаларни амалга оширувчи конституцион органлар – парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ҳукумат, ташқи алоқаларни олиб боришга умумсиёсий раҳбарлик қилади ташқи алоқаларни ташкил этиб тартибга солади.

Конституцияларга мувофиқ, парламент уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, мамлакат ҳудудига ўзгартиришлар киритиш, халқаро шартномаларни тасдиқлаш ёки бекор қилиш, ташқи сиёсат тадбирлари учун сарф харажатларни аниқлаш, бевосита халқаро муомалада иштирок этиш ва бошқа ваколатларга эгадир.

---

<sup>1</sup> Гойибназаров Э., Мухамедова З.Р ва б. Сиёсатшунослик услубий қўлланма. – Т.: ТТЙМИ, 2008. – Б. 129.

Дипломатик фаолиятни амалга оширувчи ташқи алоқа органларига чет элларда доимий иш олиб боровчи дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналар, консуллик ва савдо ваколатхоналари киради<sup>1</sup>.

Америкалик таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг фикрича, «мамлакатнинг халқаро мавқеини ёки унинг халқаро миқёсдаги таъсири даражасини белгиловчи бошқа омиллар худуд омилига қараганда муҳимроқ бўлса-да, мамлакатнинг географик ўрни давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда ҳануз муҳим рол ўйнайди. Давлатнинг харбий, иқтисодий ва сиёсий қудрати қанча катта бўлса, унинг ҳаётий муҳим геосиёсий манфаатлари, таъсири ва иштирок этиш доираси радиуси қам шунча кенг бўлади». Геосиёсий муҳит ташқи сиёсий доктринанинг мазмуни ва хусусиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Ушбу доктринанинг бош мақсади эса мамлакатнинг ташқи хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро соҳада миллий манфатларни илгари суриш учун қулай ташқи муҳитни яратишдан иборатдир. Масалан, ғаним давлатлардан химоя қилувчи худуд - яъни океан, сахро, орадаги давлатлар – билан ажралмаган мамлакатлар, одатда, ўзини кўпроқ даражада хавфсиз қис этадиган мамлакатларга қараганда, хавф-хатарнинг олдини олишга фаолроқ ҳаракат қиладилар.<sup>2</sup>

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтишимиз мумкинки, ташқи сиёсат - халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсат идораси ва бошқа структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадамлари сифатида ҳам қабул қилинади.

<sup>1</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Таржима. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 386.

<sup>2</sup> Сафаев С. Марказий Осиёда геосиёсат. Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети Тинчлик таълими ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик маркази. – Т.: 2005–. Б.137.

## 1.2. Франция ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари

Ҳозирги даврда турли сиёсий ва иқтисодий муносабатлар жадаллик билан ривожланиб борар экан, ҳар бир мамлакат унинг минтақавий ва халқаро даражадаги фаол иштирокчиси бўлишга ҳаракат қилади. Франция ташқи сиёсати бир неча асрлик дипломатик анъаналар ва баъзи фундаментал тамойиларга асосланади: уз катъийлигига, инсонлар ҳукуки, конун ва миллатлар уртасидаги мувофиқлик коидаларига ҳурмат. Маълумки, Франция нафақат Европадаги қадимий давлатлардан бири, балки халқаро майдонда ўзига хос ўринни - қучли иқтисодиёти, салоҳиятли ҳарбий қучи, қатор халқаро ташкилотларнинг етакчи иштирокчиси, жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири ҳисобланади.

Европа минтақасида Франция ўз ўрни, мавқеи ва обрў эътиборига эга бўлган ўзига хос мамлакатдир. Бир неча юз йилликлардан буён шундай бўлиб келмоқда. Франциянинг таниқли сиёсатчи ва иқтисодчиларининг фикрича, янги асрларда иқтисодиёт соҳасида айрим мамлакатлар Франциядан олдинга ўтиб кетишлари мумкин. Бироқ Франция миллий маданияти ва фан тараққиёти билан ўзига хослигини ўзига мослигини сақлаб қолиб, жаҳоннинг шу соҳадаги етакчи давлатларидан бири бўлиб қолаверади.

Франция Конституциясига мувофиқ унинг ташқи сиёсатини мамлакат президенти белгилаб беради. У ягона ва мақбул ташқи сиёсатни таъминлаш мақсадида бош вазир билан биргаликда иш олиб боради (8-модда), халқаро шартномаларни имзолайди (5-модда), президент давлат бош қўмондони (15-модда) ва давлат хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат миллат сиёсатини амалга оширади ва у Парламентга ҳисобат беради (20-модда). Бундан ташқари, ташқи сиёсатни амалга оширишда Франция Ташқи Ишлар Вазирлиги (у турли идораларнинг ишини мувофиқлаштиради),



Парламентдаги ташқи сиёсат комиссияси (тақдим этилган конун проектларни кўриб чиқади) фаолият юритади<sup>1</sup>.

Франция ташқи сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

0. Демократик принципларга риоя қилиш;
1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари принципларини ҳурмат қилиш;
2. Ҳукукий давлатчилик принципларини амалга ошириш.

Франция ўз сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб келган, бундан ташқари унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари, асосан француз давлатчилигини шакллантиришга хизмат қилган.

Франция ташқи сиёсий манфаатлари:

- 1) Европа минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- 2) Давлатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ;
- 3) Хорижий мамлакатларни хом-ашё ресурслари билан таъминлаш ;
- 4) Дунёда француз тили ва адабиётини оммалаштириш;
- 5) Франция Республикасининг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида мавқеини ошириш;
- 6) Хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва техникавий алоқаларни ривожлантириш;
- 7) Истиқболли лойиҳаларга инвестицияларни йўналтириш;
- 8) Дунёда демократия, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларида фаол қатнашиш;
- 9) Жаҳонда кўп қутбли оламни шакллантириш;
- 10) БМТ, унинг ХК ва Бош Ассамблеяси билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириб бориш<sup>2</sup>.

Маданий, илмий ва техникавий алмашинуви рағбатлантириш билан бир пайтда, Франция француз тилининг аҳамиятини кучайтиришга интилади. Франкофония ёрдамида у француз тилида гаплашувчи халқлардан (131 млн.

<sup>1</sup> Конституция Французской Республики от 4 октября 1958 года ( С изменениями, внесенными 22 февраля 1996 года).

<sup>2</sup> Конституция Французской Республики от 4 октября 1958 года ( С изменениями, внесенными 22 февраля 1996 года).

Киши, Ер шарининг 2.5 % аҳолиси) ҳозирги ҳамкорлик аренасини яратишни кўзда тутди. 1986 йилдан бошлаб француз тилида гаплашувчи давлатларнинг олий даражадаги саккизта йиғилиши бўлиб ўтди.

Франция ташқи сиёсатининг янги йуналишлари ҳақида гапириб, Н.Саркозининг сайлов олди компанияларда бир неча марта Урта Ер Денгизи Иттифоқини тузиш ғояси тўғрисида эслатиб ўтиш лозим. Франция президентининг фикрича, экология, маданият алоқалари, иктисодий ўсиш, хавфсизлик масалалари каби соҳаларда «амбициоз лойиҳалар»ни биргаликда ишлаб чиқишлиши мақсадга мувофиқ бўлади.<sup>1</sup>

Франция ташқи сиёсий фаолиятини таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Франция Европа Иттифоқи ички ва ташқи сиёсатини белгилашда етакчилик ролини ўйнашда давом этади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида Франция тинчлик муаммоларини ҳал қилишда ўзига хос лидерлик ва мустақиллигини намоиш қилган ҳолда муҳим ўрин эгаллайди.<sup>2</sup>

Агар Франция ташқи сиёсий мақсадларини олиб қарайдиган бўлсак, улар урушдан сўнгги 60 йиллик даврда умуман олиб қараганда кам ўзгаришларга дуч келган. Франция ташқи сиёсати Европа қурилишини давом эттиришга йўналтирилган, минтақада барқарорлик ва унинг гуллаб-яшнашини кафолатлаш, тинчлик, демократия ва тараккиётни мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида халқаро ҳамжамият доирасида актив фаолият олиб боришга қаратилган.

Ушбу давлат ташқи сиёсати Франция Республикаси анъанларидан келиб чиқувчи мақсад ва тамойиллар алоҳида роль ўйнайди. Шунингдек, Франция сиёсати тамойиллари қуйидагича белгиланган:

1. Демократик тамойилларга риоя қилиш;
2. Мустаҳкам ва автоном мудофаага эга бўлиш;
3. Фаол ташқи сиёсий курсни амалга ошириш ,

<sup>1</sup> [www.iimes.ru/rus/stat/2008/26-02-08a.htm](http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/26-02-08a.htm)

<sup>2</sup> <http://www.worcount.com/index.files/francia.htm>

4. Миллатни ўз йўлини ўзи белгилаш ҳуқуқи;
5. Халқаро сиёсий ва иқтисодий жараёнларни кўп томонлама бошқарув механизмини муқобиллаштириш ва мустаҳкамлаш;
7. Давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тамойиллар миллий суверенитетни сақлаш ҳамда минтақавий ва халқаро манфаатларни ривожлантиришга асосланган Франция стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Франция АҚШдан фарқли равишда ҳеч қачон бир томонлама гегемонлик сиёсатига интилмайди. Унинг анъанавий хавфсизликни таъминлаш асосида кўп қутбли дунё яратиш доирасида қудратли давлатларнинг тенглиги ётади. Бу ердан Франциянинг анъавий қарашлари ҳар қандай мувозанатга мослашувчан сиёсат олиб бориш ва икки томонлама иттифоқдан кўп томонлама иттифоққа ўтиш сиёсати кўринади. Бошқа давлатлардан фарқли равишда Франция «учинчи дунё» давлатлари ўртасида воситачилик ролини ўйнашга интилиб, дунёда глобал ўринга эга бўлишга даъвогарлик қилади.

Ташқи сиёсат масалалари Франция хавфсизлик стратегиясида (Оқ китоб) қуйидагича ифода этилади:

Биринчидан, Республика аҳолиси онгида Франция дунёдаги қудратли давлат ҳисобланиши тўғрисидаги қатъий фикр сингиб қолганлигидир. Бу голлистча анъана бўлиб Де Голль уни қуйидагича шакллантирган «Франция энг олди қаторда турсагина, у ҳақиқий Франция бўлади». Мазкур қараш «миллий колбертизм» ғояларидан келиб чиқади. Унда юқори авторитет, давлат ҳукмронлиги ва унга ҳеч қандай зарар етказмаслик белгиланган. Колбертизм V Республика Конституцияси асосида йўлга қўйилган<sup>2</sup>.

Иккинчидан, геосиёсий ҳолатидан келиб чиқиб, Франция ўзини минтақавий ҳамда денгиз державаси ва шу пайтнинг ўзида Атлантика ва

<sup>1</sup> Сиддикова А. Франция ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари // Актуальные вопросы современных международных отношений — Сб. науч. трудов. кафедра МО. ТашГИВ. — Ташкент, 2010. — Б. 192.

<sup>2</sup> Доктрины и концепции национальной безопасности Франции, США и Японии [http://www.nasledie.ru/politvne/18\\_46/article.php?art=4](http://www.nasledie.ru/politvne/18_46/article.php?art=4)

Ўрта Ер денгизига чиқувчи ягона Европа давлати (Испания мустасно) деб ҳисоблайди. Бу геосиёсий уч имкониятни Франция жуда юқори баҳолайди.

Учинчидан, «Европа периметри» Ўрта ер денгизи, Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва уларга яқин бўлган акваторияларда минтақавий тартиб ўрнатишда Франциянинг ўрнини муҳимлигини белгилайди.

Тўртинчидан, «Евроцентризм» яъни, Европада хавфсизлик ҳолатини ўрнатиш муҳим ҳисобланиб, бунда Франция ўзини яъни, Европа ва АҚШ, Буюк Британия, Германия ва баъзи ҳолларда Россиянинг маанфатларини уйғунлаштирувчи минтақанинг лидери сифатида кўради.

Франция ташқи сиёсий фаолиятида миллий хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Франция президенти Никола Саркози: «Менинг давлат раҳбари ва армия бош қўмондони сифатидаги энг муҳим вазифам бутун Франция ҳудудида, унинг халқи ва республика институтларини хавфсизлигини таъминлашдир. Турли ҳолатларда миллий мустақиллигимиз ва қарорларнинг эркинлигини ҳимоя қилишдир», - деган фикрни билдириб ўтади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Франция миллий хавфсизлик сиёсати мамлакат миллий анъаналари асосида яратилган Франция миллий концепциясида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

2009 йил 20 май куни Франция Республикаси президенти Саркози Бош вазир, Ташки ишлар вазири, Молия вазири ва бошқа вазирлар иштирокида Республикада Хавфсизлик ҳолати тўғрисида йиғилиш ўтказди. Йиғилиш давомида бутун дунё муаммоларидан бўлган наркотрафика, терроризм ва хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Хавфсизликни таъминлаш чораларини яхшилаш масалаларини муҳокама қилиб, якунида таклифлар киритишди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сиддикова А. Франция ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари // Актуальные вопросы современных международных отношений — Сб. науч. трудов. кафедра МО. ТашГИВ. — Ташкент, 2010. — Б. 192.

<sup>2</sup> Réunion sur le thème de la sécurité en France. <http://www.elysee.fr/president/les-actualites/communiqués-de-presse/2009/mai/reunion-sur-le-theme-de-la-securite-en-//;france.748.html?search=Int%C3%A9rieur>

2007 йил август ойида Франция президенти Н.Саркози, Франция муҳофаа ва миллий хавфсизлиги бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида Комиссия тузилди. Бу ҳужжат «Le livre blanc» деб номланиб, унда ташқи сиёсат, муҳофаа ва бошқа стратегик мақсадлар белгилаб ўтилган.

Унга кура миллий хавфсизлик стратегияси бешта стратегик вазифадан, иборат:

1. Бохабар бўлиш ва ҳолатни олдиндан куриш;
2. Огоҳ бўлиш;
3. Душманлик сиёсатини олиб бормаслик;
4. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш қобилияти;
5. Муаммоли масалаларни ҳал қилиш мақсадида аралашув функцияси;

Кучли билим ва ҳолатни олдиндан кўриш - бу ҳозирги пайтда хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифаларнинг маркази ҳисобланади. 1994 йил ушбу стратегияни ишлаб чиқиб, келажакда, бошқарув ва ташқи сиёсатни олиб бориш режалари прогноз қилинди. 2008 йилга келиб эса, «интеллектуал хавфсизлик» билим ва интеллектдан ташқари ахборот хавфсизлиги, прагноз ва дипломатик фаолиятни ўз ичига қамраб олади. Ушбу бешта тамойил замонга қараб мослашувчан бўлиши кераклигини талаб қилади<sup>1</sup>.

Географик миллий хавфсизлик стратегияси.

Географик шароитга кура Франция ва Европа миллий хавфсизлигига куйидаги омиллар хавф туғдиради:

1. Атлантика океанидан Ҳинд океанигача бўлган ҳудудларда энергетик ресурсларнинг тенг тақсимланмаганлиги ва барқарорлик мавжуд бўлмаслиги;
2. Африканинг Субсаҳара минтақасида муаммоли масалалар ўз ечимини топмаётганлиги, давлат тузилиши ҳали ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги, янги иштирокчиларни (катта давлатларни) ўзига тортувчи

<sup>1</sup> [http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre\\_blanc\\_Press\\_kit\\_english\\_version.pdf](http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre_blanc_Press_kit_english_version.pdf)

ҳом ашё ва ресурсларга эга эканлиги, охири пайтлардаги иқлимнинг ўзгариши;

3. Болқон ярим оролида барқарорлик ўрнатиш мақсадидаги Шарқий Европа давлатларининг ҳаракатлари ва Россия Федерациясининг ушбу масалага қаратилган стратегик сиёсати ва РФнинг Европа давлатлари билан иқтисодий потенциални оширишга бўлган ҳаракати;

4. Осиё минтақасидаги низолар , айниқса Жанубий ва Шарқий Осиёдаги низоларни ечилмаётганлиги Франция ва Европа хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатиши мумкин<sup>1</sup>.

Франция Республикаси миллий хавфсизлик стратегиясининг асоси Франция ва Европа давлатлари ҳаётига таъсир қилиши мумкин бўлган хавфни олдини олиш ва дунёда барқарорлик ўрнатишдир.

Франция миллий доктринаси ва миллий концепциясини шакллантиришда Ташқи Ишлар Вазирлиги прогноз ва таҳлил қилиш Маркази доирасидаги фаолияти, миллий ҳарбий доктриналар ишлаб чиқишга жавобгар Миллий Мудофаа Вазирлиги ва ва Бош Штаб катта аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкин-ки, Франция ташқи сиёсати Европа қурилишини давом эттиришга йўналтирилган бўлиб, минтақада барқарорликни таъминлаш, тинчлик демократия ва тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган.

### **1.3. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари**

Ҳиндистон Жанубий Осиёдаги энг йирик давлат ҳисобланади . Ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ҳиндистон катта аҳамиятга эга. Жанубий Осиё минтақасида ядро қуролига эга икки давлатнинг жойлашганлиги бу ердаги умумий аҳволни мураккаблаштиради.

<sup>1</sup> The White Paper.[http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre\\_blanc\\_Press\\_kit\\_english\\_version.pdf](http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre_blanc_Press_kit_english_version.pdf)

Ҳиндистон ташқи сиёсати шаклланишида «панча шилла»нинг аҳамияти катта. Унинг ташқи сиёсати «панча шилла»нинг беш принципига асосланади:

- Ҳудудий яхлитлик ва мустақилликка нисбатан ўзаро ҳурмат кўрсатиш;
- Ҳужум қилмаслик тўғрисида ўзаро келишиш;
- Давлатларнинг ички ишларига ўзаро аралашмаслик;
- Тенглик ва ўзаро фойдали шарт-шароит;
- Тинч-тотув бирга яшаш.

Мамлакат мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ўз ташқи сиёсатининг мазмунини белгилаб олди. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш ташқи сиёсатнинг устувор вазифасига айланди.

Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан кейин халқаро муносабатларда икки қутбли дунё шаклланди. АҚШ ва ССРИ бошчилигидаги блоклар ўртасидаги қарама-қаршилик узок йиллар давомида мавжуд бўлди. Аммо шу даврда бу блокларга кирмаган мамлакатлар янги ҳаракатни вужудга келтиришди. Мазкур ҳаракат Қўшилмаслик ҳаракати деб ном олди.

Ҳиндистон ташқи сиёсатида Қўшилмаслик ҳаракати муҳим ўринга эга .

1961 йил Белградда Қитъалараро қўшилмаслик саммити бўлиб ўтди. Ушбу саммитда Ҳиндистон асосий рол ўйнади. Ушбу ҳаракатнинг 1964 йил Қоҳира, 1967 йил Лусака, 1973 йил Жазоирда конференциялари ўтказилди. 1983 йил Нью-Дехлидаги саммитда Қўшилмаслик ҳаракати ва ривожланаётган давлатларни тадқиқ этиш ва ахборот тизими ташкил этилди.<sup>1</sup>

2003 йили февралда Куала Лумпурда ўтказилган қўшилмаслик ҳаракатининг 13-саммитида Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Ваджапайи иштирок этди. У ҳаракат замонамизнинг муаммоларига эътибор қаратиб, барча аъзоларининг бирлаштириш кераклигини таъкидлади. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Сингхнинг 2002 йил ноябрдаги Дехли миллий

---

<sup>1</sup> A.K.Domodaran.Non-Aligned movement and its future// Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. –P. 124-138.

коллежида қилган чиқишида, Қўшилмаслик ҳаракати туфайли Ҳиндистон халқаро муносабатлар соҳасида муҳим рол ўйнаётганлигини таъкидлади.<sup>1</sup>

Ҳиндистон ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар билан яқин ҳамкорликда бўлиш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун Ҳиндистон 1949 йил августда Бутан, 1950 йил июлда Непал билан икки томонлама битимлар имзолади. 1972 йил мартда шундай битим Бангладеш билан имзоланди.<sup>2</sup>

Замонавий Ҳиндистон ташқи сиёсатида дунёни англашда бир қатор муҳим ўтиш хусусиятлари мавжуд:<sup>3</sup>

- Биринчидан, социалист жамиятдан замонавий капиталистик жамият куришда миллий келишувга эришиш;
- Иккинчидан, хусусият ташқи сиёсатда иқтисодий омилнинг ўсиб бориши ҳисобланади;
- Учинчидан, «Учинчи дунё» мамлакатларига етакчилик қилиши ва буюк давлат сифатида намоён бўлиши;
- Тўртинчидан «аксилғарб» фикрлардан воз кечиш;
- Ва ниҳоят сўнги ўтиш хусусияти бу ташқи сиёсатда идеализмдан реализмга ўтиш ҳисобланади.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержининг ИТАР-ТАСС ахборот агентлигига берган интервьюсида у мамлакат ташқи сиёсати ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Ҳиндистон ташқи сиёсати давлатнинг миллий манфаатларига асосланган ва бирон-бир давлатга қарши қаратилмаган. Ҳиндистон бир қутбли дунё ғоясини ҳам қабул қила олмайди»<sup>4</sup> Ҳозирги босқичда Ҳиндистон ташқи сиёсати асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- халқларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ҳаракатларини қўллаб қувватлаш;

<sup>1</sup> Яшвант Синкха. Аспекты внешней политики Индии. – М.ИД.Нью-Дели.2003. –С 69-70.

<sup>2</sup> I.P.Khosla.SAARC looking ahead. // Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. -P. 245-274.

<sup>3</sup> C. Raja Mohan. India's new foreign policy strategy.China reform forum and the Carnegie endowment for international peace. Beijing may 26 .2006.

<sup>4</sup> Эксклюзивное интервью МИД Индии Пранаб Мукержи//Компас. №20.15 май 2009.



- халқ ва ирқларнинг тўлиқ тенлигини талаб қилиш;
- харбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик;
- Осиёни янги куч сифатида тан олиш , Ҳиндистон эса геосиёсий таъсир ва куч маркази;
- Кам ривожланган мамлакатларни глобал миқёсда қўллаб қувватлаш;
- Трансҳинд денгиз йўллари устидан назорат ўрнатиш учун кураш.

Ҳиндистон учун аҳамиятли жиҳат шундан иборатки, унинг ташқи сиёсатида «учинчи дунё» деб аталадиган ривожланаётган мамлакатлар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳиндистон тадқиқотчилари мазкур ҳолатни тадқиқ қилиб ўз фикларини билдирадilar. Жумладан, вице-адмирал С.Мукерджи «кўп қутбли жаҳоннинг шаклланишида эҳтимолда Осиёда янги қудратли кучларнинг юзага келишини бартараф этиш мақсадида АҚШ муайян мамлакатларга таянади», - деб айтади. Унинг фикрича, «АҚШ Покистоннинг ўз орбитага киритиши орқали ўз таъсир доирасининг кенгайтиришга ҳамда Покистоннинг ХХР билан яқинлашиши истиқболда Россия, Япония ва Ҳиндистон давлатларига қарши стратегик кучнинг яратилишидан манфаатдор»<sup>1</sup>.

Ҳиндистон ҳам ўз ташқи сиёсатида Африка қитъаси билан ҳамкорлик муносабатларини муҳим деб ҳисоблайди. Африка давлатларининг кўпчилиги Ҳиндистон етакчи рол ўйнайдиган Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир. 1982 йил 6 майда Ҳиндистон Африка тараққиёт фондига аъзо бўлди, 1983 йил 6 декабрда Африка тараққиёт банки гуруҳига аъзолигига қабул қилинди. 1991 йил Африка-Ҳиндистон савдо айланмаси 967 миллион АҚШ доллари ташкил этса, 2005 йилда бу кўрсаткич 9.14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳиндистоннинг бу қитъага экспорти мос равишда 394

---

<sup>1</sup> The Hindustan Times. September, 14, 1996.

миллиондан 5.4 миллиард АҚШ долларига кўпайди. 2003 йили Ҳиндистон ва Африка Иттифоқи Ҳиндистон-Африка форумига асос солди.<sup>1</sup>

Ҳиндистон ҳам ўз ташқи сиёсатида бу қитъа билан муносабатларини муҳим деб ҳисоблайди. Африка давлатларининг кўпчилиги Ҳиндистон етакчи рол ўйнайдиган Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир. 1982 йил 6 майда Ҳиндистон Африка тараққиёт фондига аъзо бўлди, 1983 йил 6 декабрда Африка тараққиёт банки гуруҳига аъзолигига қабул қилинди. 1991 йил Африка-Ҳиндистон савдо айланмаси 967 миллион АҚШ доллари ташкил этса, 2005 йилда бу кўрсаткич 9.14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳиндистоннинг бу қитъага экспорти мос равишда 394 миллиондан 5.4 миллиард АҚШ долларига кўпайди. 2003 йили Ҳиндистон ва Африка Иттифоқи Ҳиндистон-Африка форумига асос солди.<sup>2</sup>

Ҳиндистоннинг “Look East “ сиёсати ундан шарқда жойлашган Осиё минтақалари билан ҳамкорлик олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу сиёсат 1992 йил Ҳиндистон ҳукумати томонидан бошланди. Мазкур сиёсатни ҳаётга тадбиқ бўлишида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари етакчи ўрин эгаллайди. Ҳамкорлик Ҳиндистон-АСЕАН саммитларини ўтказиш орқали амалга оширилади. 2007 йилгача 4 марта Ҳиндистон-АСЕАН саммитлари ўтказилган. 2005 йилда Ҳиндистоннинг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси 15 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.<sup>3</sup>

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари минтақанинг жўғрофик, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа ҳолатлари билан боғлиқ. Қадимдан Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида алоқалар йўлга қўйилган. Тарихий ривожланишнинг баъзи босқичларида мазкур ҳудудлар бир давлатнинг таркибий қисмлари бўлишган. Кушон империяси,

<sup>1</sup> Gurjit Singh. India and Africa: a response to African institutionalisation in the XXI century. Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities .Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. –P. 477.

<sup>2</sup> Gurjit Singh. India and Africa: a response to African institutionalisation in the XXI century. Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities .Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. –P. 478.

<sup>3</sup> Ranjit Gupta. India’s “Look East “ policy . Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities .Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. –P. 351.

Ғазнавийлар ва Темурийлар даврида бир давлат ҳудудлари ҳисобланишган. Минтақа давлатлари мустақилликка эришганнинг дастлабки кунларидан Ҳиндистон бу давлатларни тан олди ва дипломатик муносабатларни ўрнатди. Ҳиндистонлик кўплаб сиёсатшунослар Марказий Осиёнинг муҳимлигини таъкидлашади. Ҳиндистоннинг истеъфодаги генерал-майор С.Н. Жатарнинг таъкидлашча, Марказий Осиё минтақаси ўзининг углеводород захиралари билан Ҳиндистон учун геосиёсий ва геостратегик тасаввур нуқтаи назардан муҳим ҳисобланади. Шунингдек унинг фикрига кўра, Марказий Осиё углеводородга бой салоҳиятли минтақа сифатида Ҳиндистон энергетика хавфсизлигини оширишга кўмаклаши мумкин.<sup>1</sup>

2005 йилда Ҳиндистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси 230 миллион АҚШ долларига етди.<sup>2</sup>

XXI аср бошига келиб, Ҳиндистон ахборот технологиялар ва компьютер дастурларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчилар қаторида бўлиб келмоқда. Ҳозирда Ҳиндистон БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистон Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлик Ассоциацияси СААРКнинг тўлиқ аъзоси сифатида унинг ички ва ташқи фаолиятида асосий рол ўйнамоқда. Шу билан бирга, СААРКнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларида амалга ошираётган ишларида энг кўп ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳиндистоннинг барча қўшнилари 1985 йил 8 декабрда СААРК га аъзо бўлиб киришди. Ҳозирча Ҳиндистон СААРКда етакчилик ва устуворлик қилмоқда, чунки унинг демографик иқтисодий, ҳарбий ва ҳудудий салоҳияти қолган барча аъзоларникидан устун.

Шундай қилиб, Ҳиндистон нафақат Жанубий Осиё минтақасида, балки бутун дунё глобал ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

<sup>1</sup> Мавлонов И.Р. Центральная Азия и Южная Азия: дипломатический потенциал Узбекистана и Индии для устойчивого межрегионального экономического сотрудничества// Материалы конференции Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекского –индийского сотрудничества. Редактор Д-р Джиотсна Бахши...: Т.2007. –С.150.

<sup>2</sup> P.Stobdan. India and Central Asia. Indian Foreign Policy : Challenges and Opportunities .Edition Sinha A.; Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. –P.143.

Ҳиндистон “Янги саноатлашган давлатлар” сафига кириб, унинг бундай номга сазовор бўлиши ундан оғир саноат, энергетика, атом энергетикаси, ҳарбий саноат ва космик соҳалари юқори даражада ривожлантирилганлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, Ҳиндистон компьютер дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ҳам дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Ялпи ички маҳсулотининг ўсиб бораётган ҳажми бўйича мамлакат АҚШ, ХХР ва Япониядан кейин 4- ўринни эгаллаб турибди.

Ҳиндистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари Европа Иттифоқи (27%), АҚШ (18,5%), Япония (6,7%), ОПЕК давлатлари (25%), ҳамда Хитой, Англия, Германия, Бельгия, БААлар ҳисобланади.

XXI аср бошларига келиб, Ҳиндистон жаҳон бозорида ўз улушини кўпайтиришга бўлган салоҳиятини сезиб, ҳозирда унинг ташқи савдодаги товар айланмаси 60-65 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Экспорт бўйича асосий савдо шериклари бўлмиш АҚШ, БАА, Гонк Конг, Буюк Британия, Германиялар билан тўқимачилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, автомобил ва унга жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар савдоси билан шуғулланади<sup>2</sup>.

Ҳиндистон бугунги стратегияси ва олдида қўйган мақсади сари юритаётган ички ва ташқи сиёсати орқали дунёда буюк давлатлар орасидан кенг жой эгаллаб келмоқда. Унинг жаҳонда ривожланган буюк давлатлар каторидан жой эгаллаш ғояси 1947 йил, яъни мустақилликка эришган йилларидан бошлаб давлат сиёсатида стратегик мақсадга айланган. Буюк Британия мустамлакасидан қутилган Ҳиндистон ўзининг иқтисодий, ҳарбий салоҳияти туфайли нафақат Жанубий Осиё минтақаси, балки ҳалқаро ҳамжамиятда ўзининг салмоғига эга бўлган давлатлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ҳиндистонда ҳарбий салоҳият ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда давлатда доимий армия сони 1,326 млн кишидан

<sup>1</sup> World Development Report– 2006 N.Y: Oxford University Press 2006. –P. 216.

<sup>2</sup> Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар– Т.:Академия,2005 –Б.294.

иборат бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Ҳиндистон АҚШ Россия ва Хитойдан кейин 4 ўринни эгаллайди<sup>1</sup>.

XX асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб Ҳиндистон секин-асталик билан халқаро ҳамжамиятга хусусан СССР ва ХХР билан муносабатларга киришиш орқали кўшила бошлайди. Бу ҳолат ички сиёсатда, яъни давлатчиликни қарор топтиришдаги бир қанча муаммоларни бартараф этишда муҳим эди. 1947-64 йилларда давлат бошқарувида бўлган. Ж.Неру даврида Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсати анчагина аҳамиятли эди. Неру даврида мамлакат бутунлай Британия мустамлакасидан озод этилди ва янги республика тарзида шакллана бошлади.

Кейинги ўн йилликларда, яъни 70-80 йилларда Ҳиндистоннинг глобал ташқи сиёсатида ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи ортди. Ўша даврда Ҳиндистон бутун ташқи сиёсатини фақат Осиё ва Африка минтақасида эмас, балки кенгроқ бўлган халқаро майдонда амалга ошира бошлади ва ўзига ўхшаган давлатлар ўртасида етакчи бўлиб олди. Дунё капиталистик ва социалистик қутбларга бўлинган даврда Ҳиндистон алоҳида, учинчи дунё сифатида намоён бўлди.

90 йилларга келиб, Ҳиндистон иқтисодий, сиёсий ва ташқи сиёсий соҳаларда бир қанча муаммоларга дуч келди. 1991 йилда мамлакатда содир бўлган валюта кризиси барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетишига олиб келди. Бироқ 1993 йилда янги ҳукуматнинг иқтисодий ислохатларни амалга ошириш натижасида иқтисодий сиёсатнинг натижалари кўзга кўрина бошлади<sup>2</sup>.

Сўнги 4 йил мобайнида чет эл инвестицияларининг ҳажми ошиши натижасида миллий даромад 60% га ўсди<sup>3</sup>.

Хусусан, 1956 йилда Ҳиндистон Бош вазири Ж.Неру: «Ҳиндистоннинг бош стратегик мақсади – бу буюк давлат мақомига эга бўлиш ва АҚШ, Совет

<sup>1</sup> World Development indicators 2009-wash: The World Bank, 2009 –P. 294-296.

<sup>2</sup> Боргина Е. Экономический реформы в индии// Мировая экономика и международные отношения. – 1998. -- № 8, -Б. 148-151

<sup>3</sup> World Development Report 2009 N.Y: 2009. –P. 216.

Иттифоқи ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туриши лозим», - деб айтган сўзи унга яққол далил бўлади<sup>1</sup>. Мана шу мақсад сари фаолият юритаётган Ҳиндистон охириги йилларда ва айниқса 1985-90 йиллардан бошлаб катта муваффақиятларга эришгани ҳолда, минтақа ва жаҳонда етакчиликка эришиш имкониятлари кенгайди. Ҳиндистоннинг бу ютуқларга эришишига қатор омиллар сабаб бўлиб, мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятини кучайишига имкон яратмоқда. Мазкур омиллар қаторида давлатнинг қулай географик жойлашуви энг асосий ўрин тутди. Бундан ташқари, ҳозирда Ҳиндистон Жанубий Осиё минтақаси давлатларига нисбатан қатор устуворликларга эга бўлиб, минтақадаги бутун аҳолининг 76,5%и, ялпи миллий маҳсулотнинг 80%и Ҳиндистон улушига тўғри келади. Шунинг учун ҳам минтақадаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳолатлар кўпинча Ҳиндистон ташқи сиёсий йўналиши ва фаолиятига боғлиқ бўлиб келмоқда.

Хусусан, ЯИМ ҳажми 2002 йилда олдинги йилга нисбатан 5,6% га ошган бўлса, мазкур кўрсаткич 2004 йилда 7,6% га ошган ва 470 млрд. АҚШ долларига етказилган. 2008 йилда эса, ушбу кўрсаткични 8% га кўтарилган. Агар, ривожланиш мана шу даражада давом этадиган бўлса, Ҳиндистон 2025 йилларга келиб иқтисодий ўсиш жиҳатидан АҚШ ва Хитой давлатларидан кейинги учинчи ўринни эгаллаши мумкин<sup>2</sup>.

Ушбу борада Американинг «Рэнд корпорейшн» компанияси ҳам Ҳиндистоннинг ЯИМ 2015 йилга келиб 4 трлн. АҚШ долларига етиши эҳтимолини ва бу кўрсаткич бемалол Япония билан тенглаша олиши мумкинлигини таъкидлайди.

Бундан кўринадики, Ҳиндистон Осиё минтақасида фақат Хитойдан кейин турса-да, улар орасидаги фарқ унчалик катта эмас.

Минтақавий ва глобал масалалар борасида Ҳиндистон ташқи сиёсатида мустақил позицияни сақлаб қолган ҳолда АҚШ билан яқин стратегик ва иқтисодий алоқаларни ушлаб туради.

<sup>1</sup> Нартов Н.А. Историческая несправедливость. Геополитика. – М., 2004. – С. 412-415

<sup>2</sup> Лунев С. Россия - Индия: сложности не заслонят ясных перспектив // Труд, 8№ 233, 17 декабрь, 2003 <http://www.trud.ru/themes/author.php?god=2008&id=2008>

Хулоса қилиб шуни тқъкидлаб ўтиш мумкинки, жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий тизимида кўп қутблилик Ҳиндистон ўзининг юқорида айтиб ўтилган стратегик мақсади сари давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириб бормоқда. Бугунги кунда мамлакат миқёсида ҳар томонлама олиб борилган фаолиятлар туфайли маълум даражада ютуқларга эришилган ва давлатнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Айниқса унинг ички имкониятлари даражасининг олдинги йилларга қараганда тез ривожланиши мамлакат ташқи сиёсий фаолиятларининг кучайиб кетишига туртки бўлди.

## **2-БОБ. ФРАНЦИЯ – ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХОЗИРГИ ДАВРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Франция- Ҳиндистон муносабатларининг шаклланиш тадрижи**

Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги илиқ ва дўстона муносабатлар уч юз йиллик тарихга эга. Франсуз врач ва сайёҳи Франсуа Брнне(1625-1688) XVII асрда 17 йил мобайнида Аурангзебнинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилганлиги ҳақида тарихий маълумотларни келтириш мумкин<sup>1</sup>.

1947йил Ҳиндистон мустақилликка эришгандан сўнг Ҳиндистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Совуқ уруш даврида Ҳиндистон- Франция ўртасидаги муносабатлар илиқ ва самимий бўлишига карамай улар нисбат узок эдилар.

1998 йилда Ҳиндистонга ташрифи чоғида Франциянинг ўша давр президенти Жак Ширак Ҳиндистон халқига "жаҳон ҳамжамияти олдида ўз обру-эътиборига эга эканлигини тасдиқлаган халқ" деб мурожаат этар экан, Ҳиндистон давлати билан кенг қамровли муносабатларни шакллантириш нияти бор эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жак Ширакнинг Ҳиндистонга нисбатан бундай муносабати сиёсий ҳушомад эмас, балки стратегик соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишга бўлган ҳошиш-истакнинг кўрсаткичидир. Дарҳақиқат, 1998 йилнинг май ойида ядро синовини ўтказганлиги учун Ҳиндистонни танқид остига олмаган ва санкциялар қўлланилишига қарши чиққан кам сонли давлатлар орасида Франция ҳам ўрин эгаллаган эди. Ундан ташқари Франция Ҳиндистоннинг БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг доимий аъзолигини қўлга киритишдаги уринишларини қўллаб қувватлайди<sup>2</sup>. Франциянинг бундай муносабати Ҳиндистон томонидан юкори баҳоланар экан, бу икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг шаклланиш ва ривожланиши

<sup>1</sup>Индия-французских отношений: новые направления <http://bhagirath-sharpeye.blogspot.com/2009/10/india-france-relations-new-dimensions.html>

<sup>2</sup> [http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija\\_i\\_politicheskoe\\_ravnovesije\\_2007-01-31.htm](http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija_i_politicheskoe_ravnovesije_2007-01-31.htm)



учун замин бўлиб хизмат қилди. Зеро, 1998 йилнинг октябрь ойида Францияга жавоб ташрифини амалга оширган Ҳиндистон Бош Вазири Атал Бихари Ваджпаи стратегик муносабатлар доирасида бирламчи амалий ҳаракатларга асос солди. Айнан шу даврдан эътиборан Франция ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. 2008 йилнинг январ ойида Ҳиндистонга ташриф буюрган ва Республика кунига бағишланган намоёишларда шарафли меҳмон сифатида иштирок этган Франция президенти Николя Саркози ҳам Ҳиндистонга ҳар йили ташриф буюриш имкониятидан мамнуният билан фойдаланишини маълум қилди. Шу йилнинг сентябрь ойида Ҳиндистон Бош Вазири Манмохан Сингх Францияга ташриф буюрар экан, икки давлат учун муҳим бўлган ядро технологиялар савдоси соҳасида ҳамкорликка асос солиб келди. Икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларининг ривожини ҳам аҳамиятга молик бўлиб, бу борада Ҳиндистон - Франция ўртасидаги савдо айланмаси 2012 йилга келиб 12 млрд. еврони ташкил этиши режалаштирилганини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар азал-азалдан яқин ва дўстона бўлиб келган. 1998 - йилда икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликнинг ўрнатилиши билан доимий равишдаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг юқори даражадаги учрашувлари натижасида икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида сезиларли ўсишлар ва муқоффа, атом энергетикаси ҳамда космос каби стратегик соҳаларни ўз ичига олган савдо алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Франция Халқаро Атом Энергетика Агентлиги ва атом етказиб берувчи давлатлар гуруҳи томонидан рад этилган атом энергетика соҳасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган биринчи давлат ҳисобланади. Бундан ташқари, у Ҳиндистонга жаҳон ҳамжамияти билан атом энергетикасидан тинчлик йўлида фойдаланиш юзасидан ҳамкорликни давом

---

<sup>1</sup><http://hcsingh.com/2010/12/14/french-president-sarkozy%E2%80%99s-visit-to-india-a-landmark-in-indo-french-relations/>

этиришига кўмаклашиб келмоқда. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, муҳофаа, космосни тадбиқ этиш, фан-технология ва таълим каби муҳим соҳаларида кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари тез суратларда ривожланиб бормоқда<sup>1</sup>.

Энг юқори даражадаги алоқаларнинг ўрнатилишига имкон берган муҳим ташрифлар:

- 1998 йил январ: Франция президентининг Ҳиндистонга давлат ташрифи;
  - 1999 йил январ: Ҳиндистон Муҳофаа вазирини Жорж Фернандезнинг Францияга ташрифи;
  - 1999 йил май: Ҳиндистон Ташқи ишлар вазир Жисвант Сингхнинг Францияга ташрифи;
  - 1999 йил сентябр: Ҳиндистон бош вазир Вайпайнинг Францияга ташрифи;
  - 2000 йил феврал: Франция Ташқи ишлар вазир Губерт Ведриннинг Ҳиндистонга ташрифи;
  - 2000 йил апрел: Франция муҳофаа бошлиғи генерал Жан Пер Кельчнинг Ҳиндистонга ташрифи;
  - 2000 йил апрел: Ҳиндистон президентининг Францияга ташрифи;
- Бундан ташқари:
- Франция – Ҳиндистон Форумида доимий равишда учрашувлар амалга ошириб келинмоқда;
  - Франция Таълим вазирлиги Ҳиндистонга доимий равишда учрашувлар амалга ошириб келмоқда;
  - Франция ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида стратегик суҳбат бўлиб ўтади;
  - Ҳиндистон Миллий Хавфсизлик Хизмати маслаҳатчисининг Францияга ташрифлари амалга ошириб келинади.

---

<sup>1</sup> <http://www.rosbalt.ru/business/2010/12/06/797443.html>

2008 йил 25-26 январ кунлари Президент Николай Саркози Ҳиндистонга давлат ташрифини уюштирди. У Ҳиндистон республика деб эълон қилинган кун муносабати билан ўтказилаётган тантананинг асосий меҳмони бўлди. Франция Президентига бешта атроф-муҳит вазири Жан-Луис Борлоо, мудофаа вазири Жерве Морин, Адлия вазири Рачида Дати, олий таълим ва тадқиқотлар вазири Валерие Пеарессе ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ташқи ишлар вазири ўринбосари Рама Яде ва катта бизнес делегацияси ҳамроҳлик қилиб келди. Саркози FCCI томонидан ташкил этилган учрашувда йирик бизнес вакиллари билан мулоқот ўтказди. Ушбу ташриф Саркози Президент лавозимини эгаллагач энг юқори даражадаги алоқаларнинг ўрнатилишига имкон берган муҳим ташрифлардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>.

2008 йил 29-30 сентябрда Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх Францияга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ҳиндистон-Европа Иттифоқининг саммити 29 сентябрь куни Марселда бўлиб ўтди, аммо кейинги кун эса Париж шаҳрида Ҳиндистон-Франция саммити ўтказилди. Ташриф чоғида, Президент Саркози билан учрашишдан ташқари Бош вазир Манмохан Сингх шунингдек, Франция Бош вазири Франкоис Филлон билан ҳам учрашди ва Франция компанияси бошлиқлари Ассоциациясида ҳам иштирок этди<sup>2</sup>.

2009 йил 13-14 июл кунлари Бош вазир Манмохан Сингх Францияга ташриф буюрди. У Франция миллий байрамини (Бастелия куни тантанаси) нишонлашда фахрий меҳмон сифатида қатнашди. Ҳиндистон ҳарбий қўшинларининг 400 та кучли ҳарбий контингенти намоишда иштирок этди. Бу Ҳиндистон ҳарбий қўшинларининг бошқа мамлакатнинг миллий байрам кунларида иштирокининг биринчиси бўлиб тарихда қолди. Бош вазир ва Президент Елизейдаги Президентнинг миллий байрам қабул маросимига таклиф этилган меҳмонлар учрашувида ишрок этишди. Бош вазир Президент Саркози ва унинг рафиқасини Ҳиндистонга ташриф буюришга таклиф этди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> <http://actualcomment.ru/idea/578/>

<sup>2</sup> <http://www.lagolit.com/article/3023/>

<sup>3</sup> <http://www.ambafrance-ru.org/spip.php?article1251>

Бош вазир Манмохан Сингх ва Президент Саркози шунингдек, 2009 йил мобайнида бир қатор халқаро конференциялар доирасида ҳам учрашдилар. Масалан, 2009 йил апрел ойида Италиядаги G 8+5 ва Лондондаги G 20 саммитида ва 2009 йил сентябрда Питтсбургда. Икки давлат раҳбарлари 2009 йил 27 ноябрдаги Тринидад ва Тобакода ШОГМнинг учрашувида ва 2010 йил июнда Торонтодаги G 20 Саммитида яккама-якка учрашувлар ўтказишди ва икки томонла ва глобал муаммоларни муҳокама қилишди<sup>1</sup>.

Президент Саркози 2010 йил 4-7 декабр кунлари Ҳиндистонга расмий ташриф уюштирди. Бу 2007 йил майда Саркозининг Президент сифатида сайлангандан кейинги Ҳиндистонга иккинчи ташрифи ҳисобланди.

Франция ва Ҳиндистон юқори даражали миллий хавфсизлик маслаҳатчилари даражасидаги стратегик мулоқотни йўлга қўйишган. Бу нарсa икки томонга дунёнинг турли қисмларида юз бераётган ўзгаришлар ва умуман глобал хавфсизлик ҳолатининг ривожланишини кўриб чиқиш имкониятларини яратиб бермоқда. Стратегик мулоқотнинг йигирма биринчи учрашуви 2010 йил 18 январда Нью Делида бўлиб ўтди, ўз вақтида 2010 йил 11 октябрда унинг йигирма иккинчи учрашуви ҳам Нью Делида ўтказилди. Икки давлат ташқи муассасаларининг йиллик маслаҳатлашувлари икки мамлакатнинг ташқи қотиблари даражасида ўтказилиб келинмоқда. 2010 йил 4 майда икки давлат ўртасидаги маслаҳатлашувлар Нью Делида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Франция ва Ҳиндистон ўртасида терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш мақсадида махсус қўшма ишчи гуруҳи ташкил этилди. Мудофаа қотиблари даражасида юқори даражали мудофаа қўмитаси учта қўмига ихтисослашган ҳолда иш олиб бормоқдалар, мудофаа ҳамкорлигига алоқадор масалаларни ҳал этиб келишмоқда. Унинг учрашуви 2010 йил 18-19 ноябр кунлари Париж шаҳрида ўтказилди.

Франция G-8нинг муҳим аъзоси ва дунёда иқтисодий жихатдан бешинчи ўринни эгаллайди. Унинг технологик томондан куч қудрати

<sup>1</sup> <http://www.globalpost.com/dispatch/india/101208/france-sarkozy-indo-us-relations>

авиация, космос, озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш, транспорт, темир йўл ва қишлоқ хўжалигини ўрганиш каби соҳаларда Францияни етакчи давлатлардан бириги айлантирди. Франция Европа Иттифоқи давлатлари (Германия, Буюк Британия, Белгия, Недирландия) орасида Ҳиндистоннинг савдо ҳамкорлари рўйхатида бешинчи ўринда туради. Ҳиндистон ва Франциянинг икки томонлама савдоси йилдан-йилга ўсиб бормокда. Аммо сўнг йилларда икки мамлакат ўртасида савдонинг пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2009 йилда икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 21 %га пасайди. 2008 йил савдо ҳажми 6,78 млрд Еврони, 2009 йилда эса бу кўрсаткич 5,36 млрд Еврони ташкил этди. 2010 йилнинг биринчи саккиз ойида икки давлат ўртасидаги савдо ўтган йилги худди шу даврга нисбатан 27 % атрофида ўсди ва 4,64 млрд Еврони ташкил этди.

Савдо вазирлари даражасидаги Иқтисодий ва техник ҳамкорлик борасидаги қўшма қўмита ҳам ўз навбатида тижорат ва савдога алоқадор масалалар билан шуғулланиб келмокда. Унинг навбатдаги учрашуви 2010 йил 24-25 июнда Парижда бўлиб ўтди. Ҳиндистон савдо ва саноат вазири делегацияга раҳбарлик қилиб келди<sup>1</sup>.

Янги ташкил этилган Ҳиндистон-Франция СЕО форуми 2009 йил 26 июнда ўзининг дастлабки учрашувини Парижда ўтказди ва 2009 йил 28-29 ноябр кунлари Нью Дели шаҳрида ушбу Форумнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Шри Ананд Шарма ва Франция ташқи савдо вазири хоним Анне-Марие Идрас Форумда иштирок этишди. Икки давлат ўртасида ўтказилган ушбу Форумда энергетика, сув ва инфраструктура, табиатни муҳофаза қилиш, таълим ва тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорликнинг кенгайтириш йўллари, учинчи давлатдаги ва бир-бирининг худудида сармоялар кириши орқали қўшма корхоналар сонини ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди<sup>2</sup>.

Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги савдо ва сармоялар

<sup>1</sup> Le Web entre la France et l'Inde [www.dual-technologies.com](http://www.dual-technologies.com)

<sup>2</sup> <http://www.fuelalternative.com.ua/content/nview/ru/id,33073/pn,1/>

2008 йил январ ойидаги Президент Саркозининг Ҳиндистонга қилган ташрифи ниҳоясида имзоланган қўшма баёнотда икки давлат ўртасидаги савдо ҳажмини 2012 йилгача икки баробарга ошириш таъкидлаб ўтилди, яъни 6,14 млрд евродан 12 млрд еврога ошириш назарда тутилди. Ушбу масалага 2008 йил сентябрдаги Бош вазир Манмохан Сингхнинг Францияга ташрифи давомида ҳам тўхталиб ўтилди<sup>1</sup>.

Франциянинг Ҳиндистонга экспорт қилаётган асосий товарлари электроник асбоб-ускуналар, учувчи ва космосни тадбиқ этиш маҳсулотлари, ўлчаш ва назорат товарлари, темир ва пўлат маҳсулотлари, механик жиҳозлар, органик ва бошқа кимёвий маҳсулотлар, шиша идишлар, умумий ва махсус ишлатиладиган машиналар, овозни ёзадиган ва уни қабул қиладиган асбоблар, техника асбоб-ускуналари, моторлар ва трубалар ва ҳакозолар ташкил этади.

Ҳиндистон экспортини кичик ва ўрта сектордаги қатор товарлар ва хизматлар ташкил этади. Тозаланган нефть маҳсулотлари, кийим-кечаклар, тўқимачилик маҳсулотлари ва турли туман либослар, ёрдамчи қисмлар, чармдан қилинган кийимлар ва оёқ кийимлар ва шу қабилар Ҳиндистоннинг Францияга экспорт қиладиган товарлари ҳисобланиди. Тозаланган нефть маҳсулотларининг, аудио жиҳозлари, балиқ ва балиқчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари ва органик кимё маҳсулотларининг импорти ўсиб бормоқда.

Франция Ҳиндистонга сармоя киритаётган давлатлар орасида 9чи поғонани эгаллайди. Унинг сармояси тахмина 2,34 млрд еврони ташкил этмоқда. (2010 йил апрел ва август ойлари давомидаги сармоялар ҳажми 1,4 млрд еврони ёки бўлмаса 1,78 млрд АҚШ долларига этиб, Ҳиндистондаги умумий хорижий сармоялар қийматининг 2 %ини ташкил этмоқда). Франция билан биргаликдаги ҳамкорликдаги техник ва молиявий лойиҳалар сони 952 тани ташкил этмоқда. 2010 йил июнда ўтказилган қўшма қўмита учрашувида Франция бизнес вакиллари Франсуз компаниялари 2013 йилгача сармоя

<sup>1</sup> <http://www.fuelalternative.com.ua/content/nview/ru/id,33073/pn,1/>

миқдорини 8 млрд еврога етказиш мўлжалланаётганлигини қайт этиб ўтишди. Ўз вақтида, Ҳиндистоннинг Франция иқтисодиётига қўшаётган сармояси ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ҳиндистон компаниялари Франциядаги фармацевтика, пластмасса саноати, ахборот технологиялари, автомобил ва шу каби соҳаларга сармоя кириб келмоқда<sup>1</sup>. 2007 йилда Ҳиндистон компаниялари Францияга 0,5 млрд евро атрофида сармоя киритдилар. Бугунги кунгача Ҳиндистоннинг Францияга киритган сармояларининг умумий ҳажми 1 млрд еврога етди. Ҳиндистон компаниялари Францияда 8 мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратишди. Иқтисодий ва техник масалалар юзасидан Ҳинд-Француз мулоқоти ташкил этилган қўшма ишчи гуруҳи орқали амалга оширилиб келинмоқда. 2009 йил ноябрда ахборот технологиялари ва телекоммуникация, 2009 йил сентябр кишлоқ хўжалиги, шаҳарларни ривожлантириш ва шаҳарларда транспорт тормоқларини кенгайтириш, 2009 йил ноябрдаги транспорт йўллари ва 2009 йил февралдаги атроф-муҳит масаларни юзасида бир қатор қўшма ишчи гуруҳ учрашувлари бўлиб ўтди. 2010 10-11 феврал кунлари Парижда икки томонлама ҳаво хизматидан фойдаланши борасида музокалар ўтказилди ва тегишли келишувлар имзоланди<sup>2</sup>.

Тинчлик йўлида атом энергетикасида фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик.

Франция кўп йиллардан буён атом энергетикасидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида муҳим ҳамкор ҳисобланади. Франция Ҳиндистон билан тинчлик йўлида атом энергетикасидан фойдаланиш борасида чекловларни олиб ташлашда Халқаро атом энергетика агентлиги ва атом етказиб берувчи давлатлар гуруҳида асосий ўрин тутди. 2008 йил 30 сентябрда Бош вазир Манмохан Сингхнинг Францияга ташрифи чоғида Ҳиндистон ва Франция ўртасида тинчлик йўлида атом энергетикасидан

<sup>1</sup> Индия и Франция готовятся сотрудничать в мирной ядерной энергетике <http://www.newsland.ru/news/detail/id/124317/cat/69/>

<sup>2</sup> <http://hcsingh.com/2010/12/14/french-president-sarkozy%E2%80%99s-visit-to-india-a-landmark-in-indo-french-relations/>

фойдаланиш тўғрисидаги муҳим ҳисобланган келишув имзоланди. 2009 йил 4 февралда Ҳиндистоннинг атом энергетика корпорацияси ва Франциянинг AREVA атом энергетика компанияси ўртасида ҳар бири 1600 мегаватт бўлган бта атом энергетика реакторларини қуриш тўғрисида келишув имзоланди. Шуртнома юзасидан икки давлат ўртасида музокаларлар кетмоқда<sup>1</sup>.

Тинчлик йўлида космосни тадбиқ қилиш борасидаги ҳамкорлик: Франция ва Ҳиндистон космос технологиялар ва тадиқ этишда бир-бирини муҳим ҳамкор сифатида кўриб келмоқда. Франция Ҳиндистоннинг космосдаги йўлдошларини керакли жиҳозлар билан таъминлаб келмоқда. ISRO ва унинг Франциядаги ҳамкори CNES ҳар йил учрашувлар ўтказиб келишмоқда. Шундай учрашувлардан бири 2010 йил июлда Бангалоре шаҳрида бўлиб ўтди. ISRO ва CNES Megha Tropiques деб аталган илмий йўлдош дастури устида тенг ҳамкорлик асосида иш олиб бормоқдалар. Ушбу лойиҳа 2011 йилда ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бошқа йўлдош SARAL (ARGOS ва ALTIKA учун йўлдошлар) ҳам ISRO билан ҳамкорлик асосида CNES билан лойиҳалаштирилмоқда. Унинг ишга тушиши 2011 йилда мўлжалланмоқда. Megha Tropiques тропик об-ҳавони тадбиқ этишга мўлжалланган. У иқлим ўзгариши масалаларни ўрганишда муҳим аҳамиятли ҳисобланди. ISRO ва CNES ўртасида доимий равишда қўшма ишчи гуруҳ фаолият кўрсатиб келмоқда<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки Э,Франция ва Ҳиндистон барча соҳаларда кенг алоқаларги йўлга қўйишган,шу билан бирга юқори даражали миллий хавфсизлик маслаҳатчилари даражасидаги стратегик мулоқотни йўлга қўйишган. Бу нарса икки томонга дунёнинг турли қисмларида юз бераётган ўзгаришлар ва умуман глобал хавфсизлик ҳолатининг ривожланишини кўриб чиқиш имкониятларини яратиб бермоқда.

<sup>1</sup> [http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija\\_i\\_politicheskoje\\_ravnovesije\\_2007-01-31.htm](http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija_i_politicheskoje_ravnovesije_2007-01-31.htm)

<sup>2</sup> Le Web entre la France et l'Inde [www.dual-technologies.com](http://www.dual-technologies.com)



## 2.2. Иқтисодий ва мудофаа соҳасида Франция ва Ҳиндистон ҳамкорлиги асосий жиҳатлари

Ҳинд-Франсуз тижорат ва савдо уюшмаси -IFCCI Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги бизнес ва савдо уюшмаси ҳисобланади. IFCCI 1977 йилда Ҳиндистон ва Франция компанияларининг турли соҳалардаги 500 вакили асосида ташкил этилган. IFCCIнинг мақсади Франция ва Ҳиндистон ўртасидаги бизнесга кўмаклашишдир. IFCCI иккала давлат учун ҳам умумий бизнес ва савдога кўмаклашувчи сифатида хизмат қилади.

IFCCI Франциянинг Ҳиндистондаги бизнес ва савдосини қўллаб қувватлайди. Ҳиндистон тижорат уйи федерацияси ёки IFCCI ва UBIFRANCE- иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлиги қошидаги халқаро бизнесни ривожлантириш агенлиги ҳисобланади. IFCCI Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи савдо алоқаларини ривожлантириш билан бирга Ҳиндистон ва Франция савдо алоқаларини янада ривожлантиришга йўналтирилган. Келгусида яъни 5 йил муддат ичида Ҳиндистон ва Франция савдо алоқаларини ҳозирги ҳолатига нисбатан икки баробар кўпайтириш режалаштирилган. Франция – Ҳиндистон савдо алоқалари қуйидаги йўналишларга эга:

- Ҳиндистон-Франция савдо дастури;
- Ҳиндистон-Франция савдо процедураси;
- Ҳиндистон-Франция савдо шартномаси;
- Ҳиндистон-Франция савдонинг маъмурий ва қонуний процедураси;
- Ҳиндистон-Франция савдо ва инвестиция имкониятлари;
- Ҳиндистон-Франция бизнес ҳамкорлиги.

Франция инвестициялари сўнгги 15 йил давомида 1.76 млрд. АҚШ долларига етди. 2005-2006 йиллар давомидаги Ҳиндистон Франция савдо алоқаларининг бизнесдаги улуши 6.2 млрд. АҚШ долларига етди. Ҳиндистон Франция савдо алоқаларининг мисоли тариқасида бир неча

франсуз компаниялари Ҳиндистон бозорига кириб келди.Франциянинг инвестициялари қуйидаги соҳаларга йўналтирилган:

- электр асбоб-ускуналар;
- хизматлар соҳаси;
- теллекоммуникация;
- транспорт саноати;
- озик-овқат саноати;
- цемент;
- шиша саноати<sup>1</sup>.

IFCCIнинг мақсади келажакда улкан имкониятларни берувчи агробизнес ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш.Ҳиндистоннинг органик озуқа маҳсулотлари ҳам Францияга улкан аҳамиятли бизнес имкониятларини таклиф этади.Келгусида Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги инвестициялар имкониятлари,савдо ва бизнесни ривожлантириш қуйидаги йўналишлар ривожлантиришда акс этади:

- Кичик ва ўрта корхоналар;
- Ишлаб чиқариш;
- Информацион технологиялар;
- Фармацевтика;
- Илм-фан;
- атроф мухит муҳофазаси.
- IFCCI шунингдек,қуйидагиларни ҳам ривожлантиришни назарда

тутади:

- Малака ошириш;
- Талабалар алмашинуви;
- Сайёҳлик;
- Виза тартибини енгиллаштириш;

---

<sup>1</sup> Indo French Chamber of Commerce and Industry or IFCCI  
[http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija\\_i\\_politicheskoje\\_ravnovesije\\_](http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija_i_politicheskoje_ravnovesije_)

Франция қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ҳиндистон эксперт назорати консуллиги(EIC)нинг Ҳиндистон балиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун рухсатномаси;

Ҳиндистон молиявий ва чакана савдо бозорига инвестиция киритиш;

Европа мамлакатлари орасида Ҳиндистон вискисининг тарқалишига кўмаклашиш.

Ҳиндистоннинг Францияга экспорт қиладиган маҳсулотлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мевалар ва қуритилган мевалар, мева шарбатлари ва консервациялари, сабзовотлар, сабзовот ёғлари ва ёғлар, ёнғоқлар, шакар ва асал, буғдой ва дуккакли ўсимликлар, дон, гуруч, чой, қахва, зиравор ва кўкатлар, тамаки, чарм кийим кечаклар ва товарлар, хунармандчилик буюмлари, канақунжут мойи, гилам, балиқ маҳсулотлари, тайёр кийим-кечаклар, пахта, пахта маҳсулотлари, чарм маҳсулотлари, хом-ашёлар, ҳайвонлар егуликлари, Ҳиндистон вискиси, транспорт жихозлари, ёнилғи маҳсулотлари<sup>1</sup>.

Мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик: Мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик Франция ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг муҳим қисми ҳисобланди. 2010 йил Парижда мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги қўмита ўзининг 13-чи сессиясини ўтказди ҳамда унда стратегик ҳамкорлик соҳаларини қамраб олган икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Ҳинд-Француз мудофаа ҳамкорлиги доирасида доимий равишда бир қатор фикр аламашинувлар ва ҳамкорлик истикболлари кўриб чиқилмоқда. 2010 йил 1-3 сентябр кунлари Парижда Ҳинд-Француз тадқиқот форумининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди; 2010 йил 15-16 ноябрда Парижда ҳарбий, денгиз ва ҳаво кучлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди; 2010 йил 17 ноябрда Ҳиндистонда кичик ҳарбий гуруҳнинг учрашуви ўтказилди. 2010 йил 16-17

<sup>1</sup> Trade relations. Indo French Chamber of Commerce and Industry/ [http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija\\_i\\_politicheskije\\_ravnovesije\\_2007-01-31.htm](http://www.perspectivy.info/oykumena/azia/indija_i_politicheskije_ravnovesije_2007-01-31.htm) Инт. http:

ноябр кунлари мудофаа саноати, тадқиқотлар олиб бориш ва технологиялар юзасидан Ҳиндистон – Франция кўмитасининг учрашуви ўтказилди. 2009 йил 3-4 декабр кунлари мудофаа вазири Херве Мориннинг Ҳиндистонга ташриф уюштирди ва Ракша Мантри билан қатор масалаларни муҳокама қилишди<sup>1</sup>.

2009 йил 27 июндан 4 июлгача бўлган даврда Бритти қирғоғидаги Атлантадаги Франция сувларида илк маротаба Варуна 2009 Ҳиндистон Франция денгиз кучларининг машғулоти бўлиб ўтди. Ҳиндистон томонидан INS Delhi, Brahmaputra, Beas ва INS Aditya танкери синов машғулотларида иштирок этишди. 2010 йил 14-25 июнда Ҳиндистоннинг SU MK30 самолёти иштирокида Истресда Ҳиндистон – Франция ҳаво кучларининг Garuda IV машғулоти ўтказилди<sup>2</sup>.

Ҳиндистон Франция мудофаа кооперацияси Ҳиндистон мустақиллигининг дастлабки давларига бориб тақалсада, ушбу алоқалар фақатгина сотиб олувчи ва сотувчи муносабатлари билан чегараланган эди. Улар табиий иттифокчиларга айланганларидан буён Франция Ҳиндистонга ҳарбий қуроллар сотарди. Кейинчалик 1998 йили Ҳиндистон Франция мудофаа кооперациясининг ташкил топишига стратегик ҳамкорлик асос бўлди. Кўп босқичли ҳамкорликни амалга ошириш учун иккала давлат ҳам доимий ташаббус кўрсатдилар. Ҳиндистон Франция мудофаа кооперациясининг натижали ва муваффақиятли фаолият олиб борди. Ҳиндистон Франция мудофаа кооперацияси шартномалари қуйидаги соҳаларда стратегик муносабатларни ўрнатишга кўмаклашади:

- Мудофаа стратегияси;
- Қўшма ҳарбий машқлар;
- Оғир қурол ёроғлар технологиясини жўнатиш;
- Халқаро терроризмни йўқ қилишга қарши курашиш;

<sup>1</sup> Réunion sur le thème de la sécurité en France. <http://www.elysee.fr/president/les-actualites/communiqués-de-presses/2009/mai/reunion-sur-le-theme-de-la-securite-en-/france.748.html?search=Int%C3%A9rieur>

<sup>2</sup> Индия и Франция договорились активизировать свое сотрудничество в сфере обороны, <http://www.defencetalk.com/india-france-to-intensify-defense-relations-30493/>

-Қўшимча харбий технологияни ва қурол яроғларни қўшма ривожлантириш <sup>1</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Франция Ҳиндистон ўзаро ишончнинг ортиши икки томонлама муҳофаа ҳамкорлиги билан янада чуқурлашди. Бу эса Ҳиндистонга Франция муҳофаа билимлари, тажриба ва технологиялари билан ўртоқлашишга қўмаклашади. Ҳиндистон учун ўзининг муҳофаа арсеналини Франциядан етказиб берилаётган замонавий харбий аслахалар, қурол ёроғлар билан бойитиш зарур. Бир вақтнинг ўзида Франция ҳам мамлакат учун қўшимча даромад олиш мақсадида ушбу замонавий харбий арсенал ва тажриба, ноу-хауларни бўлишиши мақсадга мувофиқ. Ҳиндистон муҳофаа кооперацияси агар Ҳиндистоннинг улкан муҳофаа улуши ҳисобини 6,5 млрд. АҚШ доллари ҳисобига сақлаб турса, алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдамлашиши мумкин. Шартномадан маълумки, Ҳиндистон ҳаво кучлари учун 126 та жангари самолётга эҳтиёж бор.

### **2.3. Франция – Ҳиндистон ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланиш босқичлари ва истиқболлари**

Ҳиндистон маданияти Франция аҳолиси орасида ўз ўрнига эга. Бунинг далили сифатида Ҳиндистон санъати, муסיқаси ва адабиётининг турли соҳаларини қамраб олган бутун Франция бўйлаб қатор маданий тадбирларнинг ўтказилишини келтиришимиз мумкин. Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCR) ҳиндистонлик санъаткорларнинг Францияга ташрифларини ва шунингдек, маданият ва санъат соҳасида талабалар алмашинувиға ҳомийлик қилиб келмоқда. Расмий ҳамкорлик алоқаларидан ташқари Ҳиндистоннинг бир қанча санъаткорлари Францияда молиявий асосда ва турли туман маҳаллий маданий ассоциацияларнинг ташаббуслари

<sup>1</sup> [http://flot.com/news/navy/?ELEMENT\\_ID=61471&fromcategory=340](http://flot.com/news/navy/?ELEMENT_ID=61471&fromcategory=340)

билан ҳам қатор тадбирларни ташкил этдилар. Машҳур ҳинд фильмлари Францияда ҳам ҳурмат қозонди. Ҳинд фильмлари Фестивали Франциянинг турли қисмларида йил давоми ўтказилиб келинмоқда. Ҳиндистон ҳозирда Парижда Ҳиндистон маданият марказини ташкил этиш учун фаол ишлар олиб бормоқда<sup>1</sup>.

2009 ноябрда Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCR) ва Франция ташқи ишлари вазири ўртасида маданий фестивалларни 2009 йил ноябр ойидан бошлаб икки давлатда ўтказиш тўғрисида келишувлар имзоланди. 2009 йил ноябр ойида Ҳиндистоннинг асосий етти шаҳрида уч ой мобайнида Франция фестивали “Bonjout India” асосий маданият воқеалари ташкил этилди. 14 апрелда Ҳиндистон маданий фестивали “Namaste France” ўз ишини бошлади ва у 2011 йил ўрталаригача давом этади. Ушбу фестивал санъат, мусиқа, рақс, мода, туризм, фильмлар ва шунингдек бизнес ва таълимни ўз ичига олган Ҳиндистон маданиятининг бутунлай барча соҳаларини қамраб олган воқеаларни ўз ичига олади.

Таълим ва техникавий соҳалардаги ҳамкорлик .Икки томонлама олий таълим, тадқиқод ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик, ёшлар, фан арбоблари ва академиклар ўртасида ўзаро ҳурматни акс эттирган давлатлараро ва ундан ташқарида алоқалар кенгайиб ривожланиб бормоқда. Бу нарсалар таълим дастурларининг алмашинуви, Ҳинд-Француз университетлар Консортиуми, таълим грандлари, Францияда Ҳиндистон иқтисодиёти ва ICCR мажлислари, ижтимоий фанлардаги тадқиқотлар дастурларининг фаол ривожланишини рағбатлантириб келмоқда. Икки давлатнинг таълим институтлари ўртасида ўзаро алмашинув дастурлари мавжуд. Францияда таълим олаётган ҳинд талабаларининг сони 2200 тагача етди. Фан ва технологиялар, қўшма лойиҳалар ва илмий тадқиқотлар фундаментал фанлар технологиялар (тадқиқотларни рағбатлантириш Ҳиндистон-Франция маркази (IFCPAR), тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлар ва

---

<sup>1</sup> <http://translate.google.ru/translate?hl=ru&langpair=en%7Cru&u=http://en.wikipedia.org/wiki>

маҳаллий табобат (ICMR ва унинг Франциядаги ҳамкори INAERM), неологик фанлар (ўртасида GSI ва BRGM Франция агентлиги), биотехнология ва аграр соҳадаги тадқиқотлар (Биотехнология департаменти/Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги тадқиқотлар Кенгаши ва Франция қишлоқ хўжалиги институти - INRA ўртасида), ва сув технологиялари соҳалари ҳамкорлик кучайиб бормоқда. 2010 йил 4 майда ташқи ҳамкорлик соҳасидаги охириги маслаҳатлашувлар ўтказилди ҳамда унда асосий эътибор ушбу соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилди. Ўз навбати, Франция ҳукумати семинарлар, талабалар учун грантлар, илмий тадқиқотлар ва IT-Rasthan каби лойиҳалар учун малағларни кўпайтириб бормоқда.

Франциядаги ҳиндистонликлар ва ҳақиқий ҳинд фуқаролари. Францияда Ҳиндистон жамоалари 60 минг атрофида ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги Пондичерри, Караикал, Янам, Махе ва Чандрагар шаҳарларидан. Франция 6 минг ҳинд миллатига мансуб аҳоли яшайди ва улар Париждаги Ҳиндистон Миссияси билан биргаликда рўйхатдан ўтган. Франция худудидан ташқаридаги Мартинику, Гуаделоупе ва Реунион оролларида ҳам катта ҳинд жамоалари мавжуд<sup>1</sup>.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйилиши натижасида Ҳиндистон-

Франция университетлари Консорциуми ташкил этилиб, 1300та

Ҳиндистонлик талабаларнинг Францияда таълим олишларига шароит яратилди. Францияда истиқомат қилувчи ҳиндуларнинг ижтимоий таъминлаш тўғрисидаги Битим ҳам Ҳиндистон - Франция ўртасидаги ижтимоий соҳадаги ҳамкорликларининг бир кўринишидир. Ҳиндистон Франция билан фазовий тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳам имзолаганлар.

---

<sup>1</sup> [http://en.wikipedia.org/wiki/France%25E2%2580%2593India\\_relations](http://en.wikipedia.org/wiki/France%25E2%2580%2593India_relations)

Ҳиндистоннинг Франциядаги фавкулотда ва мухтор элчиси Ранжан Матай Франция - Ҳиндистон муносабатларига баҳо берар экан, ушбу муносабатлар етуклик сари илгарилаб бораётганини, бу икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнернинг етакчи маслаҳатчиси ҳам Париж ва Нью-Дели ўртасидаги муносабатлар ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, бу икки давлат ўртасидаги ядро соҳасидаги ҳамкорлик глобал муаммолардан бири бўлмиш ҳавонинг илиши муаммоси билан курашда қўл келишини таъкидлади.

Франция технология ёки қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларида катнашишдан манфаатдор. Бу ўз навбатида Ҳиндистонни Осиё ва Тинч океани минтақасида бозорга айлантириш истонини беради.

Юқорида ўрганилганларга таянган ҳолда,шундай хулоса қилиш мумкинки,Франция ҳозирда Жанубий Осиё ва Ҳинд океани минтақасидаги стратегик манфаатлари Ҳиндистон билан мос келмоқда. Бу ҳамкорлик иккала томон учун ҳам бирдек манфаатли бўлади. Де Голл давридан то ҳозирги кунга қадар Ғарбда муҳим рол ўйнаган ҳолда сиёсий ва стратегик қарорлар қабул қилишда мустақиллигини намоиш қилиб келмоқда. Франция бошқа давлатлар каби Ҳиндистоннинг қудратини тан олмоқда.



## ХУЛОСА

XXI асрда мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига кенг кириб бориши тараққиёт йўллариини белгилашда ривожланган мамлакатлар амалиётидан фойдаланиш, уларнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

1947йил Ҳиндистон мустақилликка эришгандан сўнг ,Ҳиндистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.Совуқ уруш даврида Ҳиндистон- Франция ўртасидаги муносабатлар илиқ ва самимий бўлишига карамай улар нисбат узок эдилар.

Франция ва Ҳиндистон алоқаларини ўрганиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. 1998 йилнинг май ойида ядро синовини ўтказганлиги учун Ҳиндистонни танқид остига олмаган ва санкциялар қўлланилишига қарши чиққан кам сонли давлатлар орасида Франция ҳам ўрин эгаллаган эди. Ундан ташқари Франция Ҳиндистоннинг БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг доимий аъзолигини қўлга киритишдаги уринишларини қўллаб қувватлайди. Франциянинг бундай муносабати Ҳиндистон томонидан юкори баҳоланар экан, бу икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг шаклланиш ва ривожланиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

2. Франция Халқаро Атом Энергетика Агентлиги ва атом етказиб берувчи давлатлар гуруҳи томонидан рад этилган атом энергетика соҳасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган биринчи давлат ҳисобланади. Бундан ташқари, у Ҳиндистонга жаҳон ҳамжамияти билан атом энергетикасидан тинчлик йўлида фойдаланиш юзасидан ҳамкорликни давом эттиришига кўмаклашиб келмоқда. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, муҳофаа, космосни тадбиқ этиш, фан-технология ва таълим каби муҳим соҳаларида кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари тез суратларда ривожланиб бормоқда.

3. Франция ва Ҳиндистон юқори даражали миллий хавфсизлик маслаҳатчилари даражасидаги стратегик мулоқотни йўлга қўйишган. Бу мулоқот икки томонга дунёнинг турли қисмларида юз бераётган ўзгаришлар ва умуман глобал хавфсизлик ҳолатининг ривожланишини кўриб чиқиш имкониятларини яратиб бермоқда.

4. Франция ва Ҳиндистон космик технологияларни тадқиқ этишда бир-бирини муҳим ҳамкор сифатида кўриб келмоқда. Франция Ҳиндистоннинг космосдаги йўлдошларини керакли жиҳозлар билан таъминлаб келмоқда. ISRO ва унинг Франциядаги ҳамкори CNES ҳар йил учрашувлар ўтказиб келишмоқда. Шундай учрашувлардан бири 2010 йил июлда Бангалоре шаҳрида бўлиб ўтди. ISRO ва CNES Megha Tropiques деб аталган илмий йўлдош дастури устида тенг ҳамкорлик асосида иш олиб бормоқдалар.

5. Келгусида Ҳиндистон ва Франция ўртасидаги инвестициялар имкониятлари, савдо ва бизнесни ривожлантириш қуйидаги йўналишлар ривожлантиришда асос этади:

Кичик ва ўрта корхоналарда ишлаб чиқариш, инфор­мацион технологиялар, фармацевтика, илм-фан, атроф муҳит муҳофазаси.

Шунингдек, IFCCI қуйидаги соҳаларда ҳам алоқаларни янада чуқурлаштиришни назарда тутди:

Малака ошириш;

Талабалар алмашинуви;

Сайёҳлик;

Виза тартибини енгиллаштириш;

Ҳиндистон молиявий ва чакана савдо бозорига инвестиция киритиш;

Ҳиндистоннинг Франциядаги фавкулотда ва мухтор элчиси Ранжан Матай Франция - Ҳиндистон муносабатларига баҳо берар экан, ушбу муносабатлар етуклик сари илгарилаб бораётганини, бу икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнернинг етакчи маслаҳатчиси ҳам Париж ва Нью-Дели ўртасидаги муносабатлар ўзига ҳос

аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, бу икки давлат ўртасидаги ядро соҳасидаги ҳамкорлик глобал муаммолардан бири бўлмиш ҳавонинг илиши муаммоси билан курашда қўл келишини таъкидлади.

Ҳиндистон - Франция ўртасидаги савдо айланмаси 2012 йилга келиб 12 млрд. еврони ташкил этиши режалаштирилганини таъкидлаб ўтишнинг ўзи ушбу давлатлар муносабатлари ҳолати ҳақида маълумот беради .

Юқорида ўрганилганларга таянган ҳолда, Франция Ҳиндистон ҳамкорлигини ҳолатини янада ривожлантириш борасида қуйидаги таклифларни илгари сурмоқдалар:

- Франция Ҳиндистон билан мудофаа ҳамкорлигини янада ривожлантириш;
- Франция Ҳиндистон мудофаа ҳамкорлиги кенгқамровли хавфсизлик масаласига доир стратегик музокарага айланиб боради;
- Франция Ҳиндистоннинг мудофаа лойиҳаларини ишлаб чиқишда шерикликчилик мунсабатларини янада ривожлантириш;
- Ҳиндистон ва Франция хавфсизлик ва ҳарбий соҳасини биргаликда ривожлантириш мақсадида мунтазам музокаралар олиб бориш;
- Ҳиндистон ва Франция халқаро инқирозни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда изланиш олиб бориш.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш борасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Иқтисодий соҳада мамлакатлар капитали учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, янги қўшма корхоналар очиш, савдо-сотиқни кенгайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалик иншоотларини ишга тушириш, технология алмашувини амалга ошириш, алоқа воситаларини кучайтириш даркор.
- Сиёсий соҳада — бу доимий равишда парламентлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорликларни давом эттириш, сиёсий саҳнада биргаликда иш тутиш, минтақавий можароларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

- Маданий соҳада —Франция ва Ҳиндистон таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, маданий марказлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш;

- - Франция ҳудудида йўналтирилган маданий сиёсат олиб бориш орқали Ҳиндистон борасидаги ижобий қарашларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1.Рахбарий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти**

#### **И.А.Каримов асарлари.**

- 1.1 Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. - 326 б.
- 1.2 Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.: Ўзбекистон. 1999. - 410 б.
- 1.3 Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Т.: Ўзбекистон. – 382 б.
- 1.4 Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: Ўзбекистон. 2002. - 432 б.
- 1.5 Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон. Т.13. 2005. - 448 б.
- 1.6 Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1999.
- 1.7 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б.447 б.
- 1.8 Каримов И.А Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон, 2010. ■

### **2.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

- 2.9 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.-40.б.
- 2.10 ”Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26

декабрь Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 15-китоб. –Т.: Адолат, 1997- 272 б.

- 2.11 Закон «О порядке назначения и отзыва глав дипломатических представительств Республики Узбекистан в иностранных государствах» 1992.
- 2.12 Закон Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан 1992.
- 2.13 БМТ Низоми (1945), Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Умумий Акт (1949), Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Манил декларацияси (1982).

### **3. Китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланма ва монографиялар**

- 3.14 Арах Метка. Европейский Союз: видение политического объединения. - Москва. 1998 г.
- 3.15 АН СССР Ин-т народов Азии — Индия в древности: Сборник статей/АН СССР.Ин-т народов Азии.-М.: Наука, 1964
- 3.16 Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г. История Индии -М.: Изд.центр АЗ,МСК, 1999
- 3.17 Бонгард-Левин Г. М. Индия эпохи Маурьев /Бонгард-Левин Г. М.; АН СССР.Ин-т востоковедения.-М.: Наука, 1973.
- 3.18 Ваджпай А. Б. Индия на пути в будущее: Сб. речей и выступлений (март 1998- сентябрь 2001 г.) /Ваджпай А. Б.; РАН.Ин-т востоковедения.-М.: Ин-т востоковедения.
- 3.19 Гусева Н. Р. Индия в зеркале веков /Гусева Н. Р.-М.: Вече, 2002
- 3.20 Дьяков А. М. Индия во время и после Второй мировой войны: (1939—1949 гг.)/Дьяков А. М.; Ред. И. М. Рейснер; АН СССР.Ин-т востоковедения.-М.: АН СССР, 1952
- 3.21 Европейская интеграция: современное состояние и перспективы / Под. ред. Д.В. Паньковского. Минск, 2005.

- 3.22 Европейский Союз на пороге XXI века: Выбор стратегии развития / Под. ред. Ю.А. Борко; О.В. Буториной. М., 2001
- 3.23 Поздняков Э. Ганжа С. Новые страны на пороге Европейского союза-МНИМО М. 1999
- 3.24 Жўраев С. .Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси – Т.: Академия,2007 – 302.б.
- 3.25 Жўраев С., Саидолимов С., Абдуғаниева З. Халқаро Хавфсизлик —Т.: Академия,2007. –. 298 б.
- 3.26 Западноевропейская интеграция: политические аспекты -Под. ред. Ю.В. Шишкова, Д.Е. Мельникова, В.Г. Барановского. М.: 1999.
- 3.27 Кондрашов А., Макачев В. Конституция - путь в будущее или мертворожденное дитя? //Компас.- Москва,. 2004.№26.
- 3.28 Куранов А. Новички спешат в Евросоюз Новое время. Приложение - Политэкономия №10. 26 мая 2003 г.
- 3.29 Лунев С. И. Ведущие позиции Индии в системе международных отношений в Южной Азии и её противоборство с Пакистаном // Роль ключевых стран в международных отношениях в 1990-е годы. — М., 1995.
- 3.30 Лунев С. И. Дипломатия в Южной Азии. — М., 1997.
- 3.31 Ульциферов О. Г. Индия. Карманная энциклопедия. Сост. О. Г. Ульциферов — М.: Муравей-Гайд, 1999
- 3.32 Мавлонов И.Р. Центральная Азия и Южная Азия: дипломатический потенциал Узбекистана и Индии для устойчивого межрегионального экономического сотрудничества// Материалы конференции Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекского –индийского сотрудничества. Редактор Д-р Джиотсна Бакши...: Т.2007.-С 150-165
- 3.33 Паньков В. Общеввропейское экономическое пространство: возможности и перспективы.// МЭиМО- Москва, 2003.- №3
- 3.34 Шенаев В.Н. Особенности экономического развития Западной Европы.- Москва, 1994. стр. 14.

- 3.35 Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Автореф. дис... д.ист.н. Т., 2000.
- 3.36 Саидазимова С.Г. Интеграция как глобальный процесс и ее значение для государств Центральной Азии (на примере Ассоциации государств Юго-восточной Азии). Автореф. дис... канд. Полит. наук.- Т.: ИА "Жахон", 2001 г.
- 3.37 Шаретт Э. де Эрве де Шаретт: "В Европе должна быть создана система кооперативной безопасности" // Сегодня. - 1996. - 6 окт. - С. 3
- 3.38 Carreau D., Juillard P. Droit international economique. 4-ed. LGDJ, Paris 1998, P.26.
- 3.39 Cristesco J. Cooperation en Europe du Sud-Est. Le courrier des pays de l'Est. Mensuel № 1039 octobre 2003. P. 17-30.
- 3.40 Dutheil. Introduction au droit de l'Union europeenne. 2-edition. Hachette, Paris, 1998. P. 8.
- 3.41 Enjeux Diplomatiques et strategiques 2004. Sous la direction de P.Chaigneau. Centre d'etudes diplomatiques et strategiques, Economica, Paris, 2004. P.45.
- 3.42 L'Europe vue par Victor Hugo. Futuribles (Analyse et prospective), Janvier 2003-numero 282, p.64.
- 3.43 Nicolas Sarkozy warns of Iran's nuclear crisis - The Daily Telegraph, 28.08.2007
- 3.44 From Iran to US, Sarkozy speech signals French diplomatic shift - The Guardian, 28.08.2007

#### **4.Журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар**

- 4.45 Карпов М. Индия — среди наших внешнеполитических приоритетов /Карпов М. //Междунар. жизнь, 2001.-№ 8



- 4.46 Рогожин А. Индия на мировом рынке информационно-коммуникационных технологий /Рогожин А. //Мировая экономика и междунар.отношения, 2004.-№ 7
- 4.47 Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Автореф. дис... д.ист.н. Т., 2000.
- 4.48 Саидазимова С.Г. Интеграция как глобальный процесс и ее значение для государств Центральной Азии (на примере Ассоциации государств Юго-восточной Азии). Автореф. дис... канд. Полит. наук.- Т.: ИА "Жахон", 2001 г.

## **5.Интернет материаллари**

- 5.49 Ассоциация европейских исследований - <http://www.aes.org.ru>
- 5.50 European Integration Online Papers - <http://www.eiop.or.at>
- 5.51 Журнал "Европа" - <http://www.eur.ru/neweur/emag>
- 5.52 Календарь мероприятий по интеграционной тематике  
<http://www.jeanmonnetprogram.org/calendar>
- 5.53 A Frejus, Sarkozy reaffirme l'engagement francais en afghanistan. 27 auot, 2010. [www.laprovance.com](http://www.laprovance.com)
- 5.54 Алексей Демьянов. Три вызова.[http://www. PDA.Lenta.ru](http://www.PDA.Lenta.ru)
- 5.55 Réunion sur le thème de la sécurité en France.  
<http://www.elysee.fr/president/les-actualites/communiqués-de-presse/2009/mai/reunion-sur-le-theme-de-la-securite-en-;/france.748.html?search=Int%C3%A9rieur>
- 5.56 S. Ganguly Mending Fences — Confidence and Security Buidling Measures in South Asia / Ed. by S. Ganguly and T. Greenwood. — New Delhi, 1997.

- 5.57 S. Khilnani India as a Bridging Power / Johns Hopkins University, Penguin, edition 2005
- 5.58 S.P. Cohen The Security of South Asian: Asian and American Perspectives / Ed. by S.P. Cohen. — Urbana — Chicago, 1987.